Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1993 йил 25 ноябрь, пайшанба № 224—225 (21.576). Сотувда эркин нархда.

ТЎРТКЎЛ ШАҲРИ ФУҚАРОЛАРИГА

Азиз дўстлар!

Сизларни Тўрткўл шаҳрининг 120 йиллик тўйи билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Жайхун ва Сайхун дарё оралиғидаги ерлар Ватанимизнинг илк қадимий тарихи ва маданиятига бешик бўлган муқаддас маскандир. Бу ерларда яшаган аждодларимиз эрамиздан олдинги минг йилликлардаёқ мустаҳкам қўрғон ва шаҳарлар бунёд этганлар, деҳончилик илмига асос солганлар, ташқи ёвлар ва табиий офатларни мардонавор енгишга қодир эканликларини намойиш қилганлар, дунёга машҳур олиму фуқароларни етказиб берганлар.

Қутлуғ ўтмиш анъаналарининг ворислари бўлган Сиз ва боболарингиз бунёд этган Тўрткўл ҳам ўзига хос тарих ва маданият, саноат ва халқ хўжалигининг барча тармоқлари ривож топа бошлаган шаҳардир. У азалдан илдизи бир бўлган туркий элнинг — Ўзбек ва қорақалпоқ қавмларининг, бу ерда истиқомат қилаётган, барча миллатларнинг қондошлиги ҳамда тотувлиги тимсолидир. Бунда эл-элатни биродарлардек жипслаштирган ўзбеклар билан қорақалпоқлар бир дарёдан сув ичиб, бири ўлан, бири маком айтиб, қуда-қудағай бўлиб, пойгаларда бири от эгарлаб, бири дастурхон тузаб, ҳаётнинг синовли довонларидан оға-инилардек ўтиб келмоқдалар.

Истиқлол нафасидан қад ростлаётган она-юртимизда бугун, эътиқодию касб-коридан қатъи назар, юзлаб миллат вакиллари елкама-елка туриб меҳнат қилмоқдалар, буюк келажагимиз пойдеворини яратмоқдалар. Ана шу катта саодатли хонадоннинг муносиб фарзандлари бўлган сиз тўрткўллик қадрдон биродарларим ҳам ўз шаҳрингизни мамлакатимизнинг замонавий, гўзал, янада гуллаб-яшнаган масканига айлантиришларингизга ишончим комил.

Барчангизга бу эзгу йўлда улкан зафарлар, сиҳат-саломатлик, бахт-саодат тилайман.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1993 йил 23 ноябрь.

БАЙРАМ ТАНТАНАЛАРИ

Қорақалпоғистон Республикасининг биринчи пойтахти Тўрткўл шаҳрининг 120 йиллиги 23—24 ноябрь кунлари зўр шодиёналик билан нишонланди.

Тантаналарнинг биринчи куни 20 минг кишилик стадионда байрамга бағишланган митинг бўлди. Митингни Тўрткўл туман ҳокими Ғ. Ҳожиев очди. Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси У. Аширбеков шаҳар меҳнаткашларини қутлуғ сана билан табриклади.

Митингдан сўнг давлат ва жамоа ҳўжаликлари, саноат, қурилиш ташкилотлари ўзлари ишлаб чиқараётган маҳсулотларини намойиш этдилар. Миллий спорт турлари бўйича мусобақалар ташкил этилди. Меҳнаткашлар намойиши тугагач, республика, туман давлат ва жамоа ҳўжаликларининг ҳаваскор санъаткорлари иштирокида концерт кўрсатилди.

24 ноябрь куни эрталаб шаҳар маданият саройида Тўрткўл шаҳрининг 120 йиллигига бағишланган тантаналар давом этди. Йиғилиш Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар кенгаши раиси Р. Йўлдошевнинг кириш нутқи билан бошланди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси М. Умурзоқов республика Президенти И. А. Каримовнинг табригини ўқиб эшиттирди.

Шундан кейин Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков табрик нутқи сўзлаб, шаҳарни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ишига муносиб ҳисса қўшган фаоллардан бир гуруҳига Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фахрий унвонлари ва Фахрий ёрлиқларини топширди.

Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгаши Раиси У. Аширбеков Тўрткўл шаҳрининг 120 йиллиги ҳақида маъруза қилди. Сўнгра ишлаб чиқариш илғорларидан бир гуруҳига Қорақалпоғистон Республикаси Фахрий унвонлари ва Фахрий ёрлиқларини топширди. Шундан сўнг шаҳар аҳлини Бухоро вилояти ҳокими Д. Ёдгоров, Хоразм вилояти ҳокими М. Жуманиёзов, Навоий вилояти ҳокими А. Айдарқулов байрам билан муборакбод этдилар ва эсдалик совғалари топширдилар.

Тошҳовуз вилояти ҳокими Р. А. Мутаев сўзга чиқиб, Туркманистон Республикаси Президенти С. Ниёзовнинг табригини етказди.

Тантанали йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари М. Қорабоев, Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши биринчи котиби А. Асанов ўртоқлар иштирок этдилар. Тантанали йиғилиш сўнгида Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон Республикалари санъат усталари ижросида катта концерт намойиш этилди.

Реймбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ЧИНАКАМ ШОДИЁНАГА АЙЛАНАДИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Навоий вилояти кенгаши вилоят ҳокимлиги билан ҳамкорликда қомусий ҳужжат — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган тарихий кунга бир йил тўлиши муносабати билан байрамолди амалий дастурини ишлаб чиқди.

Тадбирлар мажмуида акс этишича, жумҳуриятимиз фуқароларининг ҳақ-ҳуқуқи, эркинлиги, қадриятлари ва урф-одатларини ўзида тўла мужассам этган қомусномага қабул қилинган кун вилоятда чинакам байрам қилинади.

Шу боис ХДП вилоят кенгаши фаоллари ҳокимлик тизими масъул ходимлари билан биргаликда байрамолди тарғибот-ташвиқот ишларини авж олдириб юборди. Шаҳар ва туманларда, саноат корхоналарида, олий ва ўрта махсус билим юртларида бўлаётган Конституциянинг бир йиллигига оид мароқли суҳбатлар, учрашувлар кўпчиликда яхши таассурот қолдирмоқда. Бу учрашувларда партия фаоллари билан бир қаторда олимлар, ҳуқуқ-тартибот органлари ходимлари, меҳнат ва уруш фахрийлари иштирок этмоқда. Ана шундай суҳбатлар яқинда олис Қизилқум сарҳадларидаги Учқудуқ, Томди, Конимех туманларида ҳам бўлиб ўтди. Ушбу мулоқотларда вилоят кенгаши котиблари — Б. Рўзиев, Л. Юрикова, партия ташкилотчилари — Б. Мардиев, Б. Мансуров ўртоқлар иштирок этишди.

Кенгаш фаоллари биргина суҳбат ёки учрашувлар билан чекланишмаяпти. Улар белгиланган тадбирлар асосида кам таъминланган оилалар, ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқаролар, байналмилалчи жангчилар, ногирон ҳамда етим-есирлар ҳол-аҳволидан хабар олиш, байрам куни уларга совға-салом улашиш чора-тадбирларини ҳам кўришяпти. Энг муҳими, Конституция куни вилоят марказида катта дастурдаги шодиёналар, концертлар, маҳалла ва кўчалараро кўрик танловлар бўлиб ўтади. «Фарҳод», «Наврўз», «Ширин» маданият саройлари, марказий кинотеатрларда эса меҳнаткашларнинг мароқли дам олиши таъминланади. Вилоят маркази, шунингдек, Навоий, Кармана, Зарафшон шаҳарлари ва барча туманларда эса қишлоқ хўжалик маҳсулотлари савдо ярмаркалари уюштирилади.

Хуллас, навоийликлар Асосий қонуннинг бир йиллигини оммавий тантана қилиш истаги билан яшашмоқда.

Музаффар ШАРОПОВ,

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲОКИМЛИКЛАРИ, МАҲАЛЛА ҚЎМИТАЛАРИ ВАКИЛЛАРИ ВА ОТА-ОНАЛАР ЖАМОАТЧИЛИГИНИНГ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАР ХАРБИЙ ХИЗМАТЧИЛАРИГА

МУРОЖААТИ

Азиз фарзандларимиз!

Сизларга ота-оналарингиз, қариндош-уруғларингиз номидан мурожаат қиляпмиз. Чунки сизнинг тимсолингизда биз она юртимиз — мустақил демократик Ўзбекистоннинг ҳақиқий ҳимоячиларини кўрамиз.

Яқинда Ўзбекистон халқи ўз Ватани мустақиллигининг икки йиллигини тантанали равишда нишонлади. Бу — мисли сиз тарихий воқеадир. Ўзбекистон маънавий қадриятларни қайта тиклаш, иқтисодий, сиёсий, ижтимоий соҳаларда туб ўзгаришлар даврига қадам қўйди. Ватанимизнинг халқаро майдондаги одимлари кундан-кунга ишонч касб этмоқда, унинг жаҳон ҳамжамиятидаги эътибори тобора ортмоқда.

Азиз ҳимоячиларимиз!

Ҳаммамизнинг энг катта бахтимиз шуки, қадимий ўзбек заминида турли миллат вакиллари тинч ва тотув ҳаёт кечириб, меҳнат қилмоқдалар. Айрим давлатларда сиёсатчилар ҳокимият талашиб, инсон қони тўкилаётган бир пайтда бизнинг мамлакатимиз бунёдкорлик йўлидан шахдам одим отмоқда. Зиммасига муқаддас ўзбек тупроғида яшаётган кишиларнинг тинчлиги ва осойишталигини ҳимоя қилишдек шарафли вазифа юкланган навқирон Қуролли кучларимиз вакиллари бўлмиш сиз, азиз фарзандларимизга умид кўзимизни тикканмиз!

Сизларни жонажон Ватанингизни ёвуз меҳр билан севишга, қисмлар ва бўлинмаларнинг жанговар тайёргарлигини, ҳарбий интизомни янада мустаҳкамлашга ва профессионал тайёргарлик савиясини оширишга даъват этамиз.

Биз ҳарбий қисмлар ва бўлинмалар командирларига мурожаат қилиб, уларни ҳарбий хизматдаги ёшларни тарбиялашда ўзбек халқи ҳамда мустақил давлатимизда истиқомат қилаётган бошқа халқларнинг бой анъана ва урф-одатларидан кенг фойдаланишга даъват этамиз. Қўл остингиздаги аскарларга нисбатан талабчанлик билан бир қаторда ғамхўрликни ҳам намоён қилинг, уларнинг ҳар бирида бир инсонни кўринг. Бу — ҳарбий жамоаларда соғлом маънавий-ахлоқий муҳитни вужудга келтиради.

Биз сизларга мурожаат қиламиз, азиз фарзандларимиз. Матонатли бўлинглар, ҳарбий ҳунарни ўрганишдан толманглар, командир ва бошлиқларингизга, бир-бирингизга ҳурмат-эътибор билан муносабатда бўлинглар. Ватанингизга муносиб тарзда, шараф билан хизмат қилинглар. Турмушдагидек, ҳарбий хизматда ҳам қийинчиликлар, машаққатлар бўлади, албатта. Ҳақиқий мард кишилар бу қийинчилик ва машаққатларни буюк аждодларимиз сингари мардона енгиб ўтади.

Биз сизларга ишонамиз, азиз фарзандларимиз ва акаукаларимиз. Бизнинг умид кўзларимиз сизларга қадалган. Буни ҳеч қачон унутманглар, азизларимиз! Барчамизнинг мақсаду вазифамиз битта — Ватанимиз Ўзбекистон Республикасининг янада гуллаб-яшнашига ўз ҳиссамизни қўшишдан иборат.

Биз кўплаб меҳнат ва ҳарбий жамоалар, жамоатчиликнинг Қуролли кучлар кунини таъсис этиш ҳақидаги ташаббусини тўла қўллаб-қувватлаймиз, шунингдек, сизлар мардона меҳнатингиз билан Ватанимизнинг мудофаа қудратини янада мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшишингизга ишончимиз комил!

Мурожаат 1993 йил 14 ноябрь куни вилоятлар вакилларининг Ўзбекистон Республикаси Қуролли кучлари сафлари билан учрашувида қабул қилинган.

ШАҲАР КЕНГАШИНИНГ СЕССИЯСИ

Марғилонда халқ депутатлари шаҳар кенгашининг сессияси бўлди. Унда ташкилий масала кўрилди. Муқимжон Жўраев аризасига биноан Марғилон шаҳар ҳокими вазифасидан озод этилди. Вилоят ҳокимлигида котибият мудири бўлиб ишлаб келган Абдуваҳоб Рўзиев шаҳар ҳокими этиб тасдиқланди.

Вилоят ҳокими М. Исломов сессияда сўзга чиқди.

Сессияда республика Президентининг Давлат маслаҳатчиси М. Умурзоқов қатнашди.

(ЎзА).

МАРКАЗИЙ КЕНГАШДА ҚАБУЛ

24 ноябрь куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши биринчи котиби М. Расулов АҚШ Давлат департаментининг масъул ходимаси Дороти Анне Делахарти хонимни унинг илтимосига кўра қабул қилди.

Суҳбат чоғида Д. А. Делахарти хоним Ўзбекистонда Президент Ислом Каримов раҳбарлигида олиб борилаётган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар Америка Қўшма Штатлари давлат ва ҳукумат доиралари томонидан кузатилаётганлигини таъкидлади. Шунингдек, у республикада ҳуқуқий давлатни барпо этиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, кўппартиявийлик тизими шаклланишининг бориши, бунда Ўзбекистон ХДПнинг ўрни билан қизиқди.

Ўз навбатида М. Расулов америкалик меҳмонни мамлакатимизда бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш жараёнининг бориши, барча сиёсий партия ва жамоат ташкилотларига тенг шароитлар яратилганлиги, республикадаги ҳар бир фуқаро ҳуқуқини мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Конституцияси пухта ҳимоя қилиши ҳақида аниқ мисоллар асосида сўзлаб берди. Шунингдек, меҳмоннинг Ўзбекистон Олий Мажлисига сайловлар тўғрисидаги Қонун лойиҳаси ҳақидаги савол-ларига батафсил жавоб берди.

Самимий ва дўстона ўтган учрашувда АҚШнинг Ўзбекистон Республикасидаги элчихонасининг иккинчи котибаси Сильвия Бабус хоним, Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши бўлим мудири К. Жуманиёзов қатнашдилар.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот маркази



ДАЗМОЛ ЎЗИМИЗДА ЧИҚАДИ

Андижон вилояти, Марҳамат туманидаги электротехника заводи паст кучланишли электр асбоблари ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Шу билан бирга корхона 20 га яқин турдаги халқ истеъмоли моллари ҳам тайёрламоқда. Айниқса илгари бошқа республикалардан олиб келинган дазмол, электролампа, электроплита каби ҳозирда тақчил буюмлар ишлаб чиқаришга катта эътибор бериляпти.

— Ўзимизнинг дазмол ҳам чет элникидан қолишмайди, — дейди йиғув цехи ишчиси Муҳайё Ҳакимова. — Ҳар ҳолда мен ўзимизникини маъқул кўраман.

Завод жамоаси бу йил 450 миллион сўмликдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқаришни режалаштирган.

СУРАТДА: Муҳайё Ҳакимова иш устида.

Ш. ОРТИҚОВ (ЎзА) олган сурат.

«СЎМ-КУПОН» ҒАЙРАТ КАМАРИНИ БОҒЛАМОҚДА

Марказий Осиё минтақасидаги икки йирик давлат банкирлари хавотир билан кутган воқеа содир бўлди— рубль макони таназзулга юз тутди. Сўнгги муддатга қадар ягона иқтисодий маконнинг сақлаб қолиниши тарафдори бўлиб келган Ўзбекистон ўз пулини жорий этишга мажбур бўлди. Айни пайтда юртимизга бизданолдин миллий валютасини муомалага киритган қўшни республикалардан совет рубллари оқими кириб кела бошлади. Бу пул сели дўконлар пештахтасидаги маҳсулотларни ювиб кетди, бозорларда нарх-навонинг кескин кўтарилишига ва ўз навбатида аҳолининг турмуш даражаси пасайиб кетишига сабаб бўлди. Қанчалик оғир бўлмасин, шуни айтишимиз керакки, айрим сабабларга кўра, республикамиз бошқа давлатлардан келаётган эски пуллар босқинидан ҳимоялана олмади. Бу ҳол қандай ва нима учун юз берди, бундан кейин нима бўлади! Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви раиси Файзулла Мақсуджонович МУЛЛАЖОНОВ билан суҳбатимиз шу ҳусусда бўлди.

— Узоқ йиллар давомида Россия ҳамда собиқ Иттифоқнинг бошқа давлатлари билан аҳил оила бўлиб яшадик ва рубль шу пайтга қадар ўртадаги дўстона муносабатлар йўлида хизмат қилди. Ягона пул бирлиги ёрдамида Россия Федерацияси ҳамда бошқа республикалар билан валютасиз ҳисоб-китоблар амалга оширилар, фуқароларимиз ўртасида пул алмашувисиз борди-келди йўлга қўйилган, республикаларга пул нақдликлари ўз вақтида етказиб берилар эди. Ўзбекистон шу пайтгача Россия ҳукумати ва Марказий банкининг пул-кредит сиёсатини мунтазам қўллаб-қувватлаб келди. Ўтган йилнинг октябрида Бишкекда республикамиз давлатлар раҳбарлари даражасида шу масала юзасидан битим имзолаган эди. Февраль ойида эса, давлатимизнинг олий ҳукумат доиралари Россия Федерацияси Вазирлар Кенгашининг раиси В. Черномирдин номига республиканинг рубль минтақасида қолиш хоҳиши битилган расмий ҳужжат йўллади. Россия ҳукумати бошлиғи мазкур ҳужжатга бу қарорни қўллаб-қувватлаши ҳақида имзо чекди. Масаланинг бундай дангал қўйилишига Россия Марказий банки раиси В. Геращенко ҳам қаршилик билдирмади. 19 мартда Россия делегацияси Тошкентга келди ва бу ерда Ўзбекистон Республикасида рублни муомалада қолдириш билан боғлиқ талаб ва ўзаро мажбуриятлар тўғрисида битим имзоланди.

Май ойида ҳамкорлар талабига биноан Ўзбекистон Республикасининг пул тизими ҳақида қонун қабул қилинди. Қонунда Россия Федерацияси Марказий банки муомалага чиқарган Россия рублидан Ўзбекистон Республикасининг расмий пул бирлиги (валютаси) сифатида фойдаланиш кўзда тутилган эди.

Ушбу қонунга биноан давлат раҳбарлари доирасида қарор қабул қилиниши лозим эди. 7 август куни Россия Федерацияси, Қозоғистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси раҳбарлари Россия Федерацияси ҳудудида 1961—1992 йилларда чиқарилган пул намуналарининг муомаладан олиниши муносабати билан баёнот имзоладилар. Бу ҳужжатда, хусусан, давлатларнинг пул-кредит сиёсати соҳасидаги мавжуд келишувларга амал қилиши, миллий иқтисодиётларнинг ўзаро боғлиқлиги, умуминқтисодий маконни сақлаб қолиш ва равнақ топтириш зарурлиги алоҳида таъкидланган, шунингдек, Ўзбекистон ва Қозоғистон Республикаларининг қатъияти ҳамда Россия Федерациясининг умумий пул тизимини яратишга розилиги эътиборга олинган эди. Ҳужжатда яна Россия Федерацияси, Ўзбекистон Республикаси ва Қозоғистон Республикаси ҳукуматлари ҳамда Марказий банкларига икки ҳафта ичида биргаликдаги янги пул тизимини яратишнинг принципиал ва техник масалаларини ўрганиш юзасидан махсус музокаралар ўтказиш ва янги пул тизими масаласини барча давлатлар парламентларида тасдиқлатиб олиш ҳам топширилган эди.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, мазкур ҳужжатнинг 4-моддасида томонлардан бири ўз пулини муомалага киритар экан, у 1961—1992 йилларда чиқарилган пул намуналарининг мамлакатлар ҳудудига ўтишига йўл қўймаслик чораларини кўриши зарурлиги ҳам ёзилган эди.

Шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси пул тизимини Россия Федерацияси пул тизими билан бирлаштириш тўғрисида ҳам битим тузилган эди.

12 октябрда Россия ва Ўзбекистон пул-кредит сиёсати масалалари ҳамда валютани тартибга солиш бўйича қўшма ишчи гуруҳининг мажлиси бўлиб ўтди. Бу мажлисда Ўзбекистон Республикаси банк тизимидаги амалда бўлган қонун-қоидаларнинг Россия Федерацияси қонун-қоидалари билан мутаносиблиги кўриб чиқилди. Банк тизимларимизда амалда бўяган қонун-қоидалар ўртасида айтарли фарқ йўқлиги қайд этилди.

Битимлар тузилиши жараёнини батафсил сўзлаб бераётганимдан мақсад шуки, биз сўнгги дамга қадар республикамиз рубль маконида қолади, деб ишонган эдик. Таассуфки, ҳаддан ортиқ ишонувчанлигимиз бизни доғда қолдирди. Бугунги қимматчилик, маҳсулотлар тақчиллиги ва бошқа қийинчиликларимизнинг сабаби ҳам ана шунда.

— Файзулла Мақсуджонович, орада сўм-купонни жорий қилишга ҳожат бормиди? Ахир, барибир, бошқа давлатлардан келаётган рубль босқини тўхтамаяпти-ку. Бир йўла сўмни жорий этганимизда вазият тезроқ барқарорлашмасмиди?

— «Етти ўлчаб, бир кес», дейди доно халқимиз. Ҳукумат оғир вазиятдан мумкин қадар безарар чиқиб кетиш йўлини узоқ қидирди. Агар янги пул бирлигини етарли маҳсулот билан таъминламасак, сўмимизни инфляциянинг омонат пойдевори устига қўйган бўламиз. Ҳар қандай давлатда мустаҳкам пул бирлигининг асоси — унинг олтин-валюта ҳамда маҳсулот билан таъминланишидир. Ҳозирги шароитда эса, мустаҳкам валютага нисбатан белгилаш жуда мушкул. Шу боис, пул қадрсизланиши жараёнлари учун майдонни очиқ қолдирмаслик, демакки, аҳолига зиён етказмаслик учун ўта эҳтиёткорлик зарур эди. Масалан, Россия рублига нисбатан 1:500 нисбатини қўлладик, дейлик. Аммо, бу билан бозордаги нарх-наво 500 баравар пасайишига ҳеч қандай кафолат йўқ. Аҳоли турмуш даражасининг пасайиши, халқнинг норозилиги ортиши эса, турган гап. Қўшниларимиздан мисол олайлик. Туркманистонда ноябрь ойида манат жорий этилишига қадар ишчиларнинг ўртача ойлик маоши 50 минг 600 рублга тенг эди. Ноябрь ойида у муқобил баҳода 20 минг рублга қадар пасайди. Шу сабабдан биз оралиқ валютани киритишга жазм қилдик. Албатта, бу тадбирнинг ҳам ўзига яраша камчиликлари мавжуд. Аммо, бу чора — миллий пул бирлигимизга ўтиш олдидан эҳтиёт чораси, холос. Такрор бўлса ҳам айтишим керакки, ўз валютамизга ўтишимиз қийин ва машаққатли жараёндир. Белни маҳкам боғлаб, оғир кунлардан қийналмай ўтиб олсак, марра бизники.

— Россия банкининг 1992 йилда чиқарилган 5 минг ва 10 минг рубль намуналаридан фойдаланишни тақиқлаш ҳақида ҳукумат қарори чиққан кундан бошлаб омонат кассалари олдида бир ҳафта давом этган ғалғовур пасайди. Навбат 1000, 500 ва 200 рубль қийматли пулларга келди. Бу қадрсизланган эски пуллар ҳаракатини янада камайтиради ва шу йўл билан рубль зўравонлигига барҳам берилади. Омонатчиларни омонат дафтарчаларидаги пулларини қачон олишлари мумкинлиги қизиқтирмоқда.

— Ҳозир Марказий банк идорасида ушбу масала бўйича тегишли ҳужжатлар тайёрланмоқда. Тез кунда бу ҳужжатларни ҳукуматга тавсия этамиз ва улар матбуотда эълон қилинади. Бир нарсани ишонч билан айтишим мумкинки, одамларнинг кассага қўйган пули куймайди ва улар яқин орада омонатларини сўмда қайтиб олиш имконига эга бўладилар.

— Охирги савол: яқин орада бизни нималар кутяпти?

— Сўм-купон рублни сиқиб чиқарганидан кейин озиқ-овқат маҳсулотларининг арзонлашиши, дўконлар пештахталарида маҳсулотлар пайдо бўла бошлаши шаклида пул муомаласининг нисбатан турғунлашуви кузатилади. Бир сўз билан айтганда, турмуш изига тушади. Ахир, сўм-купон беҳуда бел боғлагани йўқ. Марказий банк қошида миллий валютага ўтишга тайёргарлик бўйича икки йил бурун тузилган бўлимнинг мўлжали ана шундай. Бу бўлим мутахассислари МДҲдаги бошқа республикаларнинг миллий валютага ўтиш тажрибаларини умумлаштирадилар. Улар йўл қўйган хато ва камчиликларни такрорламасликка ҳаракат қиладилар.

Сўзимнинг охирида республикамиз аҳолисига мурожаат қилмоқчи эдим: азиз ҳамюртлар, биз ўтиш даврида ҳамжиҳат бўлиб, ортиқча ваҳима-ю ҳаяжонларга берилмаслигимиз керак. Яна шуни айтмоқчиманки, ўзбекистонликлар, ҳозирча мамлакатимизда муомалада бўлган Россиянинг 1993 йилги пулларидан эҳтиёт бўлинглар. Улар орасида Япониянинг рангли ксероксларида кўпайтирилган жуда кўп қалбаки нусхалар учрамоқда. Шу боис, нотаниш кимсалар билан муомалада эҳтиёт бўлишингизни сўраймиз.

Ўзбекистон Республикаси етарли иқтисодий қувватга эга ва ўйлайманки, пул муомаласининг турғунлашуви тез орада ҳал бўлади. Биз — банк ходимлари бу борада хато ва камчиликларга йўл қўймаслик учун ҳаракат қиламиз. Зотан, бизнинг адашишга ҳаққимиз йўқ.

В. РУДАКОВА
ёзиб олди.
(ЎзА).

• *Аҳвол қалай, партиядошлар?*

ТАЪСИР КУЧИМИЗ ОРТМОҚДА

Республикамиз меҳнаткашлари қатори бирлашмамиз жамоаси ҳам истиқлол йўлида фидокорона меҳнат қилиб, элимизни шойи газламаларга буркашга интилмоқда. Ипакчиларимиз мустақиллигимизнинг икки йиллик байрамини салмоқли натижалар билан нишонладилар. Режага қўшимча 32 миллион 177 минг сўмликдан кўп тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилди.

Бирлашмамизда ўн икки-кита бошланғич партия ташкилоти бўлиб, уларга 374 нафар партия аъзоси бирлашган. Пиллакашлик, тўқимачилик, бўяш-пардозлаш фабрикаларида йирик партия ташкилотларимиз фаолият кўрсатмоқда. Қўмита аъзоларининг таклифлари, мутахассисларнинг тавсиялари асосида аввало фабрика ва цехларда, ишлаб чиқариш участкаларида меҳнат ва технология интизомини мустаҳкамлашни муҳим вазифа қилиб қўйганмиз. Ўтказилган бирлашма очиқ партия йиғилишида бу масала чуқур таҳлил этилди. Ишга кеч келувчилар, брак маҳсулот ишлаб чиқарувчилар, ташмачиларга қарши жиддий кураш бошладик.

Унутиб юборилган «Энг илғор ишчи», «Пешқадам бригада», «Энг яхши мураббий», «Ишлаб чиқариш аълочиси» номи учун мусобақалар йўлга қўйилди. «Сифат куни», «Инженер-техниклар куни»ни ўтказиш анъанага айланиб қолди. Мусобақа илғорлари шарафига цехлар олдида байроқлар кўтарилмоқда.

Кўргазмали тарғибот воситалари, деворий газеталар, «Марғилон ипаги» кўп нусхали газетаси орқали илғорлар тажрибаси оммалаштириляпти.

Ипакчиларимиз «Ўзенгилсаноат» уюшмасига қарашли йирик саноат корхоналари жамоаларининг ташаббусига қўшилиб, бир кунлик иш ҳақларидан «Соғлом авлод учун» жамғармасига олти миллион икки юз минг сўм ўтказдилар.

Бирлашмамизда чет эл корхоналари билан ҳамкорлик йўлга қўйилмоқда. Чунончи, Италия фирмаси билан пилла чиқиндисидан йигирилган ипак тайёрловчи қўшма корхона ташкил этиладиган бўлди. Шунингдек, Жанубий Корея фирмаси билан хом газламадан тайёр кийим-кечаклар тайёрлаш корхонаси, Германия билан ҳам шундай корхона тузиш режалаштирилмоқда.

Бирлашма партия ташкилотлари ёшлар, хотин-қиз ишчилар билан ишлашга, улар ўртасида тарбияга оид тадбирлар ўтказишга эътиборини қаратмоқда. Зеро, бирлашма ишчиларининг кўпини хотин-қизлар ташкил этади. Ёшлар учун эса бизда барча имкониятлар мавжуд.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, партия ташкилотларининг обрў-эътибори ортиб боряпти. Уларнинг сафига меҳнатда ва жамоат ишида обрў топган ишчилар, айниқса ёшлар кирмоқдалар. Шу йилнинг ўзида 29 нафар ишчи ва хизматчи партия сафига ўтди.

Ҳа, партия ташкилотларимизда иш сусайгани йўқ. Ҳаёт партиямиз Дастури ва Низомининг нақадар халқчиллигини тўла тасдиқламоқда. Буни партиямизнинг обрў-эътибори, таъсир кучи куч сайин ортиб бораётганида яққол кўриб турибмиз.

Ҳабибулло АБДУЛЛАЕВ,
Марғилон ипакчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси партия қўмитаси котиби.

• *8 декабрь—Ўзбекистон Республикаси Конституцияси куни*

КОНСТИТУЦИЯНИ БИЛИШ ВА УНИНГ МАЪНОСИНИ ЧУҚУР АНГЛАМОҚ ЛОЗИМ



Мамлакатимиз Конституцияси мазмунини, унинг маъносини ёшларнинг чуқур тушунишларида қандай ёрдам бериш мумкин? — Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ҳузуридаги «Ёш етакчилар» клубининг навбатдаги учрашуви мана шу мавзуга бағишланди. Бу учрашув катта байрам — Конституциямизнинг бир йиллиги арафасида бўлиб ўтди ва анъанага кўра халқ ҳокимиятчилиги ва инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги конституциявий меъёрларни билиш доирасидаги беллашув тарзида ташкил қилинди. Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитасининг котиби Ғофуржон Раҳимшиқов юристлардан иборат бўлган жамоани тўплаган бўлса, Мирзо Улуғбек тумани ёшлар иттифоқи қўмитаси эса конституциявий ҳуқуқ ва унинг ҳаётимизда тутган ўрни билан қизиқувчи ёшлардан иборат жамоани тўплади.

Учрашувнинг амалий йўналтирилганлиги унинг асосий мазмунини белгилаб берди. Учрашувнинг ҳар бир иштирокчиси бошланишда социолог вазифасини бажардилар ва ўз оила аъзоларидан, ўртоқларидан, хизматдош дўстларидан олган мусоҳабалари тўғрисида гапириб бердилар. «Мустақил Ўзбекистоннинг Конституцияси амал қилаётган биринчи йил нималарни берди?», деган саволга олинган жавоблар ниҳоятда ўзига хослиги билан ажралиб турди. Нафақахўрлар давлатнинг шундай бир оғир вазиятда уларга катта ғамхўрлик қилаётганига алоҳида урғу берган бўлсалар, талабалар Асосий Қонуннинг кафолатлари—бепул ўқиш, стипендиялар ва имтиёзли овқатланишда мужассамлашганини алоҳида таъкидлаганлар. Учрашув иштирокчиларининг ота-оналари эса мамлакатимиздаги тинчлик ва барқарорликни энг бош мезон, деб ҳисоблаганлар. Маҳалла фаоллари эса Конституцияда ёзиб қўйилган виждон эркинлигини амалда кўраётганликлари хусусида фикр билдирганлар.

Жамоалар давлат тили бўлган ўзбек тилининг конституциявий меъёрлари ва Ўзбекистондаги мавжуд бошқа тилларни, миллий гуруҳларнинг маданиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида фикр алмашдилар. Биринчи Асосий Қонунимиз Совет давридаги 1978 йилги Конституция билан таққосланди ва мустақилликнинг устивор хусусиятлари таъкидлаб ўтилди. «Ўзбеккабель» ишлаб чиқариш бирлашмаси ёш ишчилари жамоаларга анча мураккаб саволни бердилар, яъни ҳозирги пул ислоҳоти даврида фуқароларнинг ижтимоий ҳуқуқлари қандай ҳимоя қилинмоқда? Бу саволга 222-сон мактабнинг ўқитувчиси Гулхан Таймиева анча асосланган ҳолда жавоб қайтарди. Тошкент давлат юридик институтининг талабаси Анвар Эгамбердиев эса Ўзбекистон ва Франция Конституцияларини ҳаммадан кўра яхшироқ таққослаб берди.

Конституция меъёрларини тушунтириш, ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини шакллантириш борасидаги ишларни яхши йўлга қўйиш учун нималарни таклиф қилиш мумкин? — Мазкур топшириқ «Ёш етакчилар» клубининг навбатдаги учрашувига якун ясади. Бу топшириқ бўлажак ҳақиқий мунозаралар учун дастур бўлиб хизмат қилди: ҳуқуқ асослари бўйича билимдонлар баҳси, Конституцияни амалда қўллашга оид баҳсли мунозаралар, мамлакатимизнинг Байроғи, Герби ва Мадҳиясига бағишланган кечалар, хорижий давлатлар вакиллари билан уларнинг қонунлари юзасидан мунозаралар ўтказиш каби таклифлар билдирилди. Ҳар бир ёш фуқарога паспорт топширилаётган пайтда, у билан Ўзбекистон Конституциясининг мазмуни борасида суҳбатлашиш лозимлиги тўғрисидаги таклиф энг илғор таклиф деб тан олинди.

Тошкент қишлоқ хўжалигини ирригациялаш ва механизациялаш муҳандислари институти студентлари клуб учрашувининг меҳмони бўлиб, жамоалар беллашувига ҳакамлик қилдилар. Студентлар бу учрашувда Конституция уларнинг ҳаётида қандай ўрин тутганлиги хусусида ҳам катта қизиқиш билан гапириб бердилар. Нега шундай бўлди? Уларга ҳеч ким ҳеч нарсани ўргатгани, бирор-бир фикрга боғлаб қўйгани йўқ. Улар клуб аъзолари бўлган ўз тенгдошларига ишондилар, Ватанимизда ўтказилаётган туб ислоҳотларнинг, қабул қилинаётган қонунларнинг ёш авлод учун қанчалик муҳимлигини чуқур англашга ҳаракат қилдилар.

Акбар АРАШЕВ,
Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашининг парламент иши ва партиялараро алоқалар бўлими мослаҳатчиси.

СУРАТДА: учрашувдан лавҳалар.

Владимир МОЛГАЧЕВ олган суратлар.

Юбилей—94

Партия аъзолари—карвонбоши

Элликқалъа туманидаги «Янгиер» давлат, «Элликқалъа» жамоа хўжаликлари пахтакорлари, механизаторлари пахта теримида сафарбарлик кўрсатиб ишладилар. «Янгиер» давлат хўжалиги директори, партия аъзоси Ҳожибой Йўлдошбоев ҳозирги қийинчилик, бозор иқтисодиёти шароитига қарамай хўжалик юритишнинг барча омилларидан самарали фойдаланмоқда.

Партия аъзолари мусобақа асосида қишлоқ хўжалиги экинларидан олинадиган ҳосилдорликни оширишда, илғор тажрибаларни оммалаштиришда, ишдаги камчиликларни бартараф қилишда фаол қатнашмоқдалар. Партия аъзолари раҳбарлик қилаётган П. Нурумбетов, К. Машарипов, Ш. Аметов, М. Жонибеков бошлиқ бригадаларда ҳар гектардан режадагидан 1,5 — 3 центнердан кўп ҳосил йиғиб териб олинди.

— Теримчиларга бир килограмм терган пахтаси учун ўттиз сўмдан, механизаторларга эса тоннаси учун 1500 сўмдан пул бердик, — деди давлат хўжалиги директори Х. Йўлдошбоев. — Теримда қатнашган ҳар бир киши нормасини 1,5-2 ҳиссадан ошириб бажармагунча даладан чиқмади. Даромадимиз кўпаяр экан, деҳқонларимизнинг турмуш фаровонлиги яна ҳам яхшиланади, — дейди сўзини давом эттириб у. Маънавиятимизни бойитиб бораверамиз. Бунинг учун аввало газета, журналларга обуна бўлишни ташкил қиляпмиз. «Ўзбекистон овози» газетасига хўжалигимизда салкам икки юз киши обуна бўлади. Пешқадам илғор ишчилар, Улуғ Ватан уруши қатнашчилари, байналмилалчи жангчилар, кам таъминланган оилаларга эллик фоиз миқдорида рағбатлантириш жамғармасидан ёрдам берамиз.

Шу тумандаги «Элликқалъа» жамоа хўжалиги ҳам биринчилар қаторида пахта тайёрлаш режаларини ошириб бажардилар. Партия аъзолари раҳбарлик қилаётган бригадаларда гектар бошига 28-30 центнердан пахта териб олинди. Э. Нуримов, Г. Матжонова бошлиқ бригада теримчилари теримда пешқадамлик қилдилар.

Бошланғич партия ташкилотлари шуни яхши ташкил қилиб, илғор тажрибаларни оммалаштиришда, меҳнат унумдорлигини оширишда, тарғибот-ташвиқот ишларини тўғри олиб бориб, Президентимиз фармонларини оммага етказишда фаоллик кўрсатяптилар. Партия ташкилоти котиби Мадиёр Алимов ҳар бир партия аъзоси билан алоҳида иш олиб бориб, топширилган вазифанинг самарадорлигини таъминламоқда.

— Бу йилги даромадимиз ҳар йилдагидан ҳам кўп бўлади, — дейди ХДП аъзоси, жамоа хўжалиги бошқарувчи раиси Ўктамбой Ражаббоев. — Режадаги йигирма фоиз ва режадагидан зиёд топширилган пахтани хўжалик ихтиёрида қолдириш ҳозирги бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтаётган бир пайтда техника, ёнилғи-мойлаш материаллари сотиб олиш, фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш имконини беради. Бундан ташқари, келаси йил учун газета-журналларга обуна қилишни давом эттирмоқдамиз. Хўжалигимизда 160 киши «Ўзбекистон овози» газетасига обуна бўлади. Шундан қирқ обуначига ёрдам кўрсатамиз. Нархининг ярми ва чорак фоизига меҳнат жамоаси қарори билан пул ўтказиб берамиз.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• *ШУ КУННИНГ ДОЛЗАРБ МАВЗУСИ*

МИЛЛИЙ ПУЛ: МУАММО ВА ЗАРУРИЯТ

Инсоният тарихида муайян давлатнинг аҳамияти ва таъсирини асосан тўрт омил — ҳарбий қудрат, оқилона сиёсат, жозиб қадриятлар ҳамда миллий пулнинг кучи ва салмоғида акс этган иқтисодий салоҳият белгилаб келган. Ҳозирги замонда ҳарбий куч ўз аҳамиятини йўқотди ҳисоб. Энди жаҳонни куч билан эмас, балки унинг бозорларини пул билан эгаллаш замони келди.

Пулнинг кучи ё кучсизлиги қисқа вақт мобайнида иқтисодни тиклаш ёки вайрон қилиши мумкин. Изчил миллий сиёсат саноатнинг айрим жабҳаларидаги қолоқликни тугатиб, илғор, самарали соҳаларини ривожлантириш имконини беради. Пул қийматининг ўзгариши, давлат ва фуқароларнинг моддий бойликларини турли даражада ўзгариб туришига сабаб бўлади.

МУАММОНИНГ ДОЛЗАРБЛИГИ

Собиқ Иттифоқ парчаланиб кетганидан кейинги икки йил мобайнида МДҲдаги янги мамлакатлар ягона пул бирлигини сақлаб қолишга бир неча бор ҳаракат қилди. Айни пайтда бу мамлакатлар хусусий молиявий сиёсатини ҳам юргиза бошлади. Бу — рубль зонасидаги республикаларда молия соҳасида юз бериши мумкин бўлган ўзгаришларни олдиндан сезмасликка сабаб бўлди, нақдинасиз маблағ ҳаракатини чеклаб қўйди. Минтақалараро фонз меъёрлари ўртасидаги фарқ кучайди. Пулнинг қадрсизланиши алоҳида республикалар, шу жумладан, Ўзбекистон ҳокимиятининг ҳам назоратидан чиқа бошлади. Россия Марказий банкидан МДҲ мамлакатларига нақд пул ва кредитлар беришнинг мунтазамлигига риоя қилинмаганы маблағ етишмаслиги ва иқтисодий фаолиятда беқарорликка олиб келди. Турли республикаларда пулнинг ҳар хил даражада қадрсизланиши минтақада истеъмол молларини камайтириб юборди. Ҳукуматлар ўртасида ишонч ва ҳамжиҳатлик йўқлиги, шунингдек, кўп ҳолларда майда сиёсий манфаатлар туфайли туғилган хатти-ҳаракатлар аҳволни баттар оғирлаштирди.

Ана шундай шароит мустақил давлатларнинг миллий пулни жорий этишини тақозо қилди.

Мустақилликка эришган Ўзбекистон олдида иқтисодий барқарорликни сақлаб қолиш, марказдан бошқариладиган иқтисодни ислоҳ қилиш, мулкнинг қўшма шаклларида хўжалик юритувчи эркин субъект тузиш, пул тобора қадрсизланиб бораётган шароитда ўтказилаётган ислоҳотнинг ижтимоий оқибатини юмшатиш вазифаси пайдо бўлди.

Иттифоқдан мерос қолган, режа асосига қурилган, марказлаштирилган иқтисодиётда пул ҳақиқий бозор иқтисодиётидагидан бошқача вазифани бажарар эди. Хусусан, пул маъмурият тақсимлаётган неъматларнинг маълум миқдорини олиш ҳуқуқини берадиган ҳужжат бўлиб қолган эди. Бутун пул-тўлов тизими ҳам унинг ана шу вазифасига асосан ташкил этилган эди. Аслида эса, бозор иқтисодиёти шароитида пул, таъбир жоиз бўлса, иқтисодий «энергия қуввати», мол қиймати, тўлов, муомала, омонат воситаси, шунингдек, иқтисодиётнинг ўзига хос ташриф қоғози бўлиб хизмат қилади. Пул ўзининг ана шу вазифаларини самарали бажаргандагина, у иқтисодиётни барқарор ушлаб туришга ва гуллатишга ёрдам беради, сармоялар олиб келиш ва иқтисодиётни янада тараққий эттиришга хизмат қилади.

Шуни таъкидлаш керакки, собиқ Иттифоқдаги иқтисодий муҳит Ўзбекистондагина эмас, бутун МДҲда пулнинг бу вазифаларни амалга оширишига имкон бермасди. Шунинг учун ҳам пулнинг қадрсизланиши жуда тезлашган эди. Шундай шароитда миллий пулни жорий этиш унинг ўта қадрсизланишига олиб келарди. Украинадаги аҳвол бунга яққол мисол бўла олади.

Ҳозир республикада иқтисодиётни бошқаришни қайта ташкил этиш жараёни ниҳоясига етай деб қолди. Деярли барча ишлаб чиқариш билан боғлиқ вазирликлар концерн ва уюшмаларга айлантирилиб, давлат корхоналари ва бутун бир соҳалар бюджет таъминотидан чиқарилди. Деҳқон хўжаликлари, хусусий сектор, ижара ва қўшма корхоналар кундан-кунга кўпайиб бормоқда. Бошқача қилиб айтганда, хўжалик юритишнинг кўплаб усуллари қўлланилаётган қўшма иқтисодиёт шаклланмоқда.

Бугунги кунда товар-мол бозорлари шаклланиб бўлди ҳисоб. Қимматли қоғозлар, сармоя, меҳнат бозорлари ҳам шаклланяпти. Банк тизими қайта ташкил этилди. Босқичма-босқич жаҳон бўйлаб қўлланиладиган банк ва банклараро ҳисоб-китоблар тизимига ўтилмоқда. Бозор иқтисодиётини меъёрий ҳуқуқ асослари билан таъминлаш ишлари ҳам якунланиш арафасида турибди.

Хуллас, ҳозир республикада чинакам бозор муносабатлари шароитида пулнинг яхши хизмат қилиши учун иқтисодий шароит вужудга келаётир. Энди ислоҳотнинг янги — барқарорлик ўрнига фаоллик босқичига ўта бошладик.

Бозорнинг асосий устунлиги шундан иборатки, у одамларга ўз қобилият ва имкониятларидан тўла фойдаланиш учун шароит яратади.

Марказлашган иқтисодиёт ташаббус ва ишбилармонликни бўғар, кишиларнинг ижодий имкониятларини юзага чиқаришга имкон бермас эди. Ҳозир алоҳида шахсларнинг ҳам, корхоналарнинг ҳам ишчанлиги ва фаоллигини рағбатлантирадиган замон келди. Бозор иқтисодиётида рағбатлантиришнинг энг тўғри ва самарали йўли — моддий манфаатдорликнинг қўллаб-қувватланишидир.

Иқтисодий сиёсат пул ҳажми ва оқимини солиқлар, кредитлар бўйича ҳисоб ставкалари, валюта қийматини ушлаб туриш орқали амалга оширилади. Яъни, макроиқтисодий усул билан бошқариш асосини ишлаб чиқарувчилар манфаатини рағбатлантирадиган, сармоялар оқимини муайян соҳага йўналтирадиган, истеъмол ва жамғарма даражасини назорат қилиб ҳамда бошқариб турадиган соф молиявий механизмлар ташкил этади.

Пул ва пул муомаласи орқали ишбилармонлар ва корхоналарнинг хатти-ҳаракатига таъсир ўтказилади, ҳудбинлик, харидорга, аҳолининг ҳимоялаймаган қисмига, атроф муҳитга нисбатан зўравонликнинг олди олинади. Шунингдек, республикага чет эл сармояси оқиб келиши ва Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган молларнинг дунё бозорида сотилиши учун қулай шароит яратилади.

Бироқ, бозор муносабатларининг тўла шаклланмаганы туфайли барча зарур ислоҳотларни амалга ошириш учун яна бироз вақт рублдан фойдаланиб туришга эҳтиёж бор эди. Аммо, бу босқичда мамлакатнинг ўз пул-молия сиёсатини ўтказишдаги мустақиллигини сақлаб қолиш лозим бўларди.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон рубль зонаси хусусидаги музокараларда фаол иштирок этди. Шунинг учун ҳам миллий пулимизга босқичма-босқич ўтиш ҳақида қарор қабул қилинди. Мустақил пул сиёсатини ўтказиш ҳозирги давр ва тараққиёт талабларига кўпроқ мос келиши аён бўлиб қолди.

МУАММОНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Сиёсий мустақилликни маълум даражада иқтисодий мустақиллик билан тўлдириш, мустақил давлатнинг тўлақонли пул белгисини шакллантириш, мустақил пул-кредит ва молия сиёсатини юргизиш, ички бозорни муҳофаза қилиш, нарх белгилаш ва хусусийлаштириш жараёнида фуқаролар манфаатини ҳимоя қилиш эҳтиёжи республикада миллий валютанинг жорий қимавжуд бўлган даврда сўм-купоннинг жорий этилиши ўзаро хўжалик алоқалари узилиб қолишининг олдини олади. Қирғизистон ўз миллий валютасини жорий этганида мана шу ҳолни ҳисобга олмаган эди.

Учинчидан, миллий пулга босқичма-босқич ўтиш ижтимоий талафотларни камайтиради.

Ҳар қандай пул ислоҳоти, хусусан нархлар эркин ёки эркинликка яқин бўлган шароитда, мусодара тариқасида ҳам бўлади. Масалан, пул 1:10 ёки 1:100 нисбати билан алмаштирилган тақдирда ҳам нарх-наво айнан шу нисбат даражасидан пастга тушмайди.

Ҳар қандай пул ислоҳотида ҳам нарх-навонинг ўсиши рўй беради. Пул алмашиш нисбати қанча баланд бўлса, аҳоли жамғармасини бекитиқча тортиб олиш ҳам шунча юқори бўлади. Пул бирга бир нисбатда алмаштирилгандагина аҳоли кам жабр кўриши мумкин. Ўзбекистон ҳукумати халқ учун қулай бўлган ана шу ягона йўлдан борди.

Биздан аввал миллий валютасини жорий қилган республикалардан ҳар хил йўллар билан оқиб келаётган, мол билан таъминланмаган қоғоз пулларнинг кўпайиб кетганини ҳисобга оладиган бўлсак, бирданига миллий валютани жорий этиш, унинг салмоғини жуда туширib юборган бўларди. Рубль билан 1:1 нисбатида алмаштириш эса, ўзбек пулини бирданига қадрсиз қилиб қўяр эди.

Миллий пулга сўм-купон орқали босқичма-босқич ўтиш аҳолини ҳам, бўлажак ўзбек сўмини ҳам ҳеч нарса билан таъминланмаган рубль босқинидан муҳофаза қилади.

Йирик пулларнинг муомаладан чиқарилиши ҳам мана шу сиёсат тақозосидир. Яқинякингача бутун пул миқдорининг 90 фоизини ана шундай йирик пул ташкил этганини айтишнинг ўзи бу фикрни исботлайди.

ТАЛАБЛАР

Мавжуд муаммоларни ҳал қилиш борасидаги ишлар узлуксиз давом этаётир. Камхарж оилаларнинг ижтимоий муҳофазаси таъминланган ҳолда нарх-наво ва аҳоли даромадининг назоратдан чиқарилиши — мана шу ишларнинг бир қисмидир.

Олдимизда эркин нарх-наво шароитида иқтисодиётни монополиядан чиқариш, хусусий секторни ривожлантириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг рақобатбардошлигига эришиб, иқтисодиётга экспорт йўналишидаги иқтисодий сиёсатни ўтказиш, хусусийлаштирилаётган давлат мулкини жорий қилинган валютага сотишни ўз ичига олади.

Миллий валютанинг жорий этилиши Ўзбекистон собиқ Иттифоқ ҳудудидаги ягона иқтисодий макондан чиқади, деган гап эмас. Жаҳондаги барча бозорларни ривожланган мамлакатлар аллақачон ўзаро бўлишиб олгани ҳеч кимга сир эмас. Кескин рақобат кетаётган бу бозорда бугунги кунда ҳеч ким ўзбек молини оламан, деб кўз тикиб тургани йўқ. МДҲ давлатларининг самарали ўзаро фойдали ҳамкорлик қилиши ва ривожланиши учун энг аввало ана шу мавжуд маконни йўқотмаслик зарур. Миллий пулга ўтиш эса, бу ҳамкорликнинг тенг ҳуқуқли ва ўзаро маъқул шаклларини юзага чиқаради.

Анвар ЗИЁ.
(ЎзА).

• *ХДП АЪЗОСИ ПАРТИЯНИНГ НУФУЗИ ХУСУСИДА*

ЭЛ ТАШВИШИНИ ЭР-ЙИГИТЛАР КЎТАРАДИ

Халқимиз ҳаётнинг аччиқ-чучугини ҳамиша шукроналик билан қабул қилиб келган. Аслида шунинг ўзи сабр-бардош, қаноат.

Ҳозирги замоннинг томир уриши, йўрғи, йўналиши бўлакча. Бу йўриқни ҳар ким ўзича идрок этиб, қабул қилади. Табиийки, бошқаларнинг қарашларини ифодаламоқчи эмасман. Фақат ўзимнинг айрим мулоҳазаларим билан ўртоқлашмоқчиман.

Мен уч юз кишилик бир жамоанинг раҳбариман. Сиёсатдонлигим йўқ. Иқтисодиёт ҳақида жамоамиз мисолида кўнглимга тукан гапларни айтаман.

Иқтисодиёт ҳаётнинг одамлар тушуниши осон бўлган энг содда китобидир. Ва бу китобнинг маъносини раҳбардан ҳам кўра, оддий одамларнинг, ишчиларнинг тезроқ илғаб олиши ҳаммасидан ҳам қизиқ. Мисол келтираман: бизда Ашуровлар сулоласи бор. Ҳаммаси механизатор. Бир куни ўшалар ишлаётган жойга бориб қолдим. Кеч бўлиб, қоронғи тушиб кетган. Лекин иш тўхтамаган. «Иш соати аллақачон тугаган-у. Дам олинглар», — дедим. «Иш вақти иш тугаганидан сўнг тугайди», — деб жавоб қилишди улар. Бу гап аслида бир партия аъзосидан чиқяпти. Янги гап ҳаммага маъқул тушибди. Иш кунини иш вақти ва дам олиш вақтига ажратиб ўтирмаймиз. Бир кунда қанча ишлаш лозим бўлса, шунча ишлаймиз. Лозим бўлганда ҳафтани ҳам жума-ю, шанбага бўлиб ўтирмаймиз, дейишибди.

Бу — сохта ватанпарварлик эмас. Бу ўз ишига, ўз мулкига чин хўжайинликнинг белгисидир. «Биз илгари фақат давлат учун ишлаймиз, деб ўйлардик. Бозор иқтисодиёти кўзимизни очди. Энди ўзимиз учун ишлаётганимизни тушуниб етдик: ўзи учун ишлаган одам бўлса — чарчамайди», — дейишмоқда Ашуровлар.

Жамоамизда олти нафар Халқ демократик партиясининг аъзоси бор. Илгаригидай соатлаб партия мажлисини ўтказмаймиз. Бунинг ҳожати ҳам йўқ. Лекин иш устида, нима бўлганда ҳам маслакдош, партиядош-да, партия аъзолари қисқа муддат йиғилишиб, суҳбатлашиб қоламиз. Суҳбатларда фавқулодда долға яқин, тилнинг учида турган таклифлар, гаплар айтиб қолинади. Ана шундай таклифларнинг биридан сўнг буюртмачи жамоалар билан мавоза усулида олди-берди қилишни йўлга қўйдик. Масалан, бир хўжаликка биз мактаб қуриб берамиз ёки ер очамиз. Хўжалик меҳнат ҳақимизнинг ўттиз-ўттиз беш фоизини бизга маҳсулот (натура) ҳисобида тўлайди. Хўжаликдан олган маҳсулотимизни, масалан, ерёнғоқни, пиёзни, полиз маҳсулотини биз тегишли жойларда техника воситалари, эҳтиёт қисмлар ва ёнилғи билан айирбош қиламиз.

Тўртда бўлинмамиз бор. Ҳар қайсиси мустақил жамоа. Шундай бўлгач, ўша бўлинманинг ишчилари ишнинг қандай юритилаётгани билан қизиқади. Керак бўлса, раҳбарнинг фаолиятини назорат қилади. Худди шу нуқтадан жамоанинг ҳар бир аъзосида, ҳоҳ у ишчи, ҳоҳ раҳбар бўлсин, ҳалол ишлашга кўникма ҳосил бўлади. Шу ўринда мен юртбошимизнинг «Биз кечаги кунимиздан воз кечмай, келажакни кўзлаб ишламоқдамиз» мавзуида «Правда» газетасига берган интервьюсини таъкидлаб ўтмоқчиман. Бу суҳбатда ҳалоллик, ватанпарварлик, Ватан бахт-саодати йўлида меҳнат қилиш фазилатлари улуғланган.

Суҳбатни биз, партия аъзолари, бўлинмаларга чиқиб, одамларга ўқиб бердик. Ёмоқчиманки, тарғибот ишларини ҳам ташлаб қўйганимиз йўқ. Мавриди келганда бир нарсани таъкидлаб ўтсам: партия кенгаши вакиллари жамоамизга тез-тез ташриф буюрса. Одамларимиз оммавий-ахборот воситаларидан билган ва кўча-кўйда эшитган у ёки бу гапларнинг мазмунини чуқурроқ тушуниб етишга қизиқиб қоладилар. Худди шундай пайтда кенгаш вакиллари одамлар ўртасида малакали суҳбатлар уюштирса, мақсадга мувофиқ бўлармиди, дейман.

Энди, юқоридаги фикрларимга хулоса қилиб шундай дейман: элнинг ташвишига чинакамига елка тутадиган замон келди. Бу замон ҳалолликни, меҳнатсеварликни хушлайди. Фақат ишлайман деганларга имкон, иқбол беради. Тўғри, қийинчиликлар, муаммолар бир талай. Лекин имконият ҳам оз эмас. Имконият излаган одамнинг қийинчилик ҳақида ўйлашга фурсати бўлмайди ва бундай кишига омад ёр бўлади.

Ишларимиз кўнгилдагидай. Режаларни бажаряпмиз. Жамоамиз аҳил. Фахрийларимиз, бизда ишлаган одамлар — эъзозимизда. Биз учта мактабни, болалар боғчасини ҳомийлигимизга олганмиз. Булар бизни тағин ҳам ғайрат билан ишлашга рағбатлантиради.

Эркин САИДМУРОДОВ,
Республика сув хўжалиги вазирлигининг «Қизирик» механизациялашган қурилиш жамоаси бошлиғи.

• *Президент фармони—эл дармони*



БИР ЙИЛДА ИККИ ЙИЛЛИК ҲОСИЛ

Янгиқўрғон туманидаги Тўйчи Неъматов номли давлат хўжалиги миришкорлари бу йил 35 гектар ерга Голландия картошка уруғини қадашган эди. Ҳосил кутилганидан зиёда бўлди. Ҳар гектар ердан 250 центнер ўрнига 300 центнердан картошка етиштирилди.

— Биз ҳар йили Россиядан келтирилган уруғликдан кўпи билан 150—160 центнер ҳосил кўтарардик, — дейди 3-бригада бошлиғи Иўлдошхўжа Зиёвуддинов. — Гоҳида уруғлик ҳар хил чиқиб, 105—110 центнер атрофида ҳам ҳосил етиштириларди. Жорий йилда бригадамиз аҳли Голландия уруғидан 300 центнер картошка етиштиришга эришиб, икки йиллик ҳосил бир йилда йиғиштириб олинди.

СУРАТДА: **3-бригада бошлиғи И. Зиёвуддинов етиштирилаётган ҳосилни кўздан кечирмоқда.**

Камолиддин ЮСУПОВ олган сурат.

ИБРАТ

Республикамиз Президенти меҳнаткашлар турмуш фаровонлигини яхшилаш, уларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш мақсадида чиқарган қатор Фармонлари Ғиждувон туманида зўр қониқиш билан қабул қилинаяпти. Улар ижросини тўла таъминлаш учун бор имкониятлар ишга солинмоқда. Хусусан, қишлоқ аҳолисини ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлаш тўғрисидаги Фармон чиққандан буён туманда салмоқли ишлар амалга оширилди. Туман ҳокимининг ўринбосари Ҳолмурод Давлатовнинг таъкидлашича, ҳозиргача ётқизилган қувурлар узунлиги 31,5 километрни ташкил қилади. 3-қурилиш трестига қарашли кўчма механизациялашган тизим бунёдкорлари туманнинг Қутчи зонасидаги бош сув омборини жадал суръатда қурмоқдалар. Улар ҳозиргача 25 миллион сўмдан ортиқ иш бажаришди.

Аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш борасида туманга Шофиркондаги «Обиҳаёт» сув қурилиши корхонаси яқиндан кўмаклашмоқда. Корхона бу йил «Кўкча» давлат наслчилик хўжалигида 3,8 километр, «Жавлон—2» ижара хўжалигида 6,3 километр сув қувурини ётқизиб ишга туширишни мўлжаллаган.

Шуни таъкидлаш керакки, Қутчи зонасидаги ичимлик сувини биринчи навбатда туманнинг сизот сувлари анча юқори бўлган «Пахтаобод», «Халқобод», «Оқолтин», А. Навоий номли, Ибн Сино номли жамоа хўжаликлари қишлоқларига олиб бориш вазифа қилиб қўйилган. Қолган хўжаликларни ҳам сув билан таъминлаш лойиҳалари, смета-ҳужжатлари тайёр. Ғиждувон шаҳри аҳолиси учун Дамхўжа — Бухоро сув йўли орқали ичимлик суви олиб келинмоқда. Ҳозиргача бу ерда бир километр сув қувурлари тортилиб қўйилди. Эрта-ин — Аммо, сув иншоотлари қурилишида ишлаётган бош пудратчилардан ҳозир 70 миллион сўмдан зиёдроқ қарзимиз бор, — дейди Х. Давлатов. — Чунки сотилган пахта толасидан олинган пул-маблағнинг барчаси ҳам шу мақсадга сарфланмаган. Унинг бир қисми ногиронлар, улар учун қурилган касалхоналар қурилишига кетган. Жорий йилда қандай бўлмасин 20 километр узунликдаги сув қувурларини ишга туширамиз. Айтиш мумкинки, Президент Фармони тўлиқ амалга ошади.

Туманда аҳолини табиий газ билан таъминлаш борасида ҳам ибратли ишлар қилинган, десак муболаға бўлмайди. Туман ҳокими, Ўзбекистон халқ депутати Зариф Шарипов касби қурувчи бўлганлиги учун ҳам бу ишга катта эътибор бермоқда. Унинг хонасида деворга осиғлиқ харитани кўздан кечирган киши туманда газлаштириш борасида дадил қадам ташланганлигининг гувоҳи бўлади.

Биргина шу йилнинг ўтган ойлари мобайнида туманда 134 километр узунликда газ қувури ётқизилди. Шундан 127 километрига газ юборилди. Бу 1200 хонадон газлаштирилди, деган сўз. Тумандаги «Оқолтин», «Ўзбекистон», Ибн Сино номли, Ҳ. Олимжон номли жамоа хўжаликларида (қишлоқлардан ташқари) газлаштириш ишлари ниҳоясига етказилди. Аммо, иқтисодий жиҳатдан камқувват бўлган «Пахтаобод», «Халқобод», «Меҳнатобод» жамоа хўжаликларида бу борадаги иш талабга жавоб бермайди.

Ғиждувонда бундан ташқари мактаб, болалар боғчалари ва бошқа маданий-маиший бинолар ҳам қурилиб фойдаланишга топширилмоқда. Шуниси эътиборлики, туман Бухоро вилоятидаги энг йирик туманлардан ҳисобланади. Аҳоли зич яшайди. Шунинг учун ҳам турар жой бинолари қурилишига эътибор катта. Жорий йилда шаҳарда 16 оилага мўлжалланган шинам уй-жой, фойдаланишга топширилди. Бундан ташқари, 206-хўжаликлараро кўчма механизациялашган тизим қурувчилари Болта Аҳмедов номидаги корхона ишчилари учун икки қаватли турар-жой биносини яқин кунларда битказадилар.

Ибн Сино номли жамоа хўжалигида 540 ўринли, С. Жабборов номли жамоа хўжалигида 640 ўринли мактаб шу йил янги ўқув йилида фарзандларимизга тортиқ этилди. А. Ғиждувоний номли жамоа хўжалигида 50 ўринли, С. Жабборов номли жамоа хўжалигида 90 ўринли, «Гулистон» жамоа хўжалигида 50 ўринли, Ҳ. Олимжон номли жамоа хўжалигида 90 ўринли боғчалар фойдаланишга топширилди.

Маълумки, ҳозирги шароитда қишлоқ қурилиш муаммоларидан ҳам ҳоли эмасмиз. Қурилиш ва ободончилик ишларини қурилиш ташкилотлари бажаради, деб қўл қовуштириб туришдан фойда йўқ. Буни ғиждувонликлар яхши англаган ҳолда ота-боболаримиз анъанаси — ҳашар усулидан фойдаланмоқдалар. «Халқобод» жамоа хўжалигида қурилган чойхона худди шундай усулда бунёд этилди. Кўпгина хўжаликларда ўйингоҳлар, ҳаммом, клублар замонавий усулда қурилаётгани қувончли ҳолдир.

Туман раҳбарларининг фикрича, асосий даромад келтирувчи соҳа бу пахтачиликдир. Президентимиз И. Каримовнинг Фармони билан қишлоқ аҳолисига уйжой, қўшимча томорқа учун ер берилганлиги тармоқдаги даромадларнинг салмоғини бирмунча пасайтирди. Энди суғориладиган ерлар ҳажмини янги ўзлаштириладиган ерлар ҳисобидан кенгайтириш мумкин. Шу мақсадда Қутчи, Шўркўл даҳаларини ёппасига ўзлаштириш режалари тузилди. Бу иш билан 5-кўчма механизациялашган тизим, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва янги ер очиш корхонаси ва туман сув хўжалиги бирлашмаси шуғулланмоқда. Шу йилнинг охиригача қарийб 150 гектар ер ўзлаштирилади. Агар Қутчи ва Шўркўл ерлари тўлиқ ўзлаштирилиб, пахта ва бошқа деҳқончилик маҳсулотлари етиштирилса ,туман иқтисодиёти ҳозиргидан икки ҳисса ошади.

Даврон БАҲРОНОВ.

ҚЎШИМЧА ИШ ЖОЙЛАРИ

Мустақиллик имкониятларидан фойдаланиш Андижон электр станцияси ишчи-мутахассисларининг баланд руҳ билан ишлаб, юқори кўрсаткичларга эришишларига катта ёрдам бермоқда.

Қорадарё ўзанида барпо қилган сув омбори тўғонида сув билан ишлайдиган электр станциянинг умумий қуввати 140 минг киловатт қилиб белгиланди. Станция техника-ускуналарининг соз ишлашини таъминлаш туфайли корхонанинг лойиҳадаги қуввати барвақт ўзлаштирилди. Станция ишга туширилганининг 10 йиллигига тайёргарлик кўрилаётган бугунги кунда станциянинг умумий қуввати 152 минг киловаттга етди.

— Электрчиларимиз ҳозиргача жами 4 миллиард 177 миллион киловатт-соат электр энергия ҳосил қилишга эришдилар, — дейди станция бошлиғи Турсунбой Мирзараҳимов. — Жамоамиз мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиб, станцияни юқори кўрсаткичлар билан ишлатишдан ташқари, янги иш жойлари ҳам барпо этишга муваффақ бўлди.

Кейинги 10 ойда режадагидан 31 минг киловатт-соат кўп энергия ҳосил қилинди. Корхонада хўжалик ҳисобида ишловчи 3 та участка ва бир бўлим фаолият кўрсатяпти. Бу билан кўпгина мутахассис ва ишчилар янги иш жойларига эга бўлишди. Айниқса, янги ташкил этилган қурилиш-монтаж участкаси аҳолига хизмат кўрсатиш билан кўпчилик эътиборини қозоняпти. Участка азаматлари уй-жой қуриш ва таъмирлашдаги фаолиятини тобора кенгайтирмоқда. Хонобод шаҳарчасининг Кампирравот мавзесида 844 ўринли мактаб қурилмоқда.

Қиш-қировли кунлар арафасида Кампирравот ҳудудидаги марказий иситиш тизимига уланган уйларни иситиш йўлга қўйилди. Станция жамоаси ички имкониятлардан фойдаланиб, ҳудуддаги иситиш қозонхонасини тезда таъмирлаб берди.

И. ХОЛИҚОВ,
Ўзбекистон Халқ демократик партияси Хонобод шаҳар кенгаши биринчи котиби.

• *Мухбиримиз бонг уради*

ЙЎҒОН ЧЎЗИЛЯПТИ, УЗИЛМАЙДИМИ?

Дарҳақиқат, бирор бир чегара ва тўхтам нима билмай ўсиб бораётган нарх-наво, бозор қийинчиликлари, айниқса, шартномалардаги тартибсизликлар ҳар қандай йўғонни нигичка торттириб қўяяпти. Бунга сабабни ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари, қурилиш материаллари, техника, эҳтиёт қисмлар тақчиллигидан қидириш керак.

Эндиликда иқтисодиёти бақувват бўлган кўплаб саноат корхоналари, завод фабрикалар ҳам бугунги қимматчиликка, темир-йўл хизматидаги сансалорликка давлатлараро мол айирбошлашдаги бош-бошдоқликка бардош беролмаяпти. Бунга мисол қилиб Навоийдаги кимёвий саноат корхоналарини ва қатор заводларни кўрсатиш мумкин.

Масалан, Навоий «Азот» ишлаб чиқариш бирлашмаси, электрлашган химия корхонаси, машинасозлик ва цемент заводларидаги бугунги манзара кишини ниҳоятда ранжитади. Чунки мазкур корхоналар иқтисодиёти деярли қийин аҳволда. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар кўпайиш ўрнига тобора камайиб кетяпти. Хўш, бунга сабаб нима? Нега уларни тўла қувватда юксак унум билан ишлатишнинг иложи йўқ?!

Чунки, Навоийдаги 17 та саноат корхонасининг ҳаммаси собиқ иттифоқ, қўйингки, бугунги мустақил Россия билан чамбарчас боғлиқ. Чунки Россиянинг у ёки бу шаҳридаги корхона ва бирлашмалардан Навоийга ҳар ойда минг, ўн минг тонналаб турли хилдаги хом ашёлар юборилади. Бироқ, энди ўша хом ашё йўқ. Давлатлараро пул муомаласида бўлгани сингари Россия банкларининг хўжайинлари мол айирбошлашда ҳам, шартнома асосида хом ашё алмашишда ҳам қатор талабларни қўйишмоқда. Биргина оддий ишқор Сибирдан келтирилади. Худди шу каби шлак, темир қипиғи, пайвандлаш симлари, қўйингки минерал ўғит соладиган қоғоз қопларгача четдан олиб келинади.

Узилишларнинг ҳали-вери таги кўринмайдиганга ўхшайди. Шунинг учун ҳам кўплаб малакали ишчилар, кимёгарлар, муҳандислар ишдан кетиб қолишаяпти. Хом ашёлар йўқлиги туфайли нетрон сунъий толаси, суюлтирилган аммиак, шампунь, «Десна» кир ювиш машиналари ишлаб чиқариш кескин камайиб кетди. Биргина Навоий цемент заводини мисол тариқасида оладиган бўлсак, корхонада жорий йилнинг ярим йиллик ва ўн ойлик ишлаб чиқариш режалари уддаланмади Ёки ўтган йилнинг шу даврига нисбатан бу ерда 30 фоиз цемент кам ишлаб чиқарилди.

Сабаби эса юқорида қайд этганимиздек шартномалардаги узилишлар ва нархнавонинг осмонга чиқиб кетганидир. Аммо қиммат бўлса-да хом ашё топилмаяпти.

Хуллас, вазият мураккаблашиб йўғон чўзилгандан чўзилиб боряпти. Чўзилган жойда эса узилиш бўлиши ҳаммага аён. Шундай экан, ушбу бир-биридан чигал муаммоларга биргина Навоий вилояти ҳокимлиги эмас, балки республикадаги мутасадди идоралар, айниқса «Ўзбекхимия» давлат концерни раҳбарлари ва масъул ходимлари эътибор билан ёндошса хайрли иш бўларди.

Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• *Истиқлол куртаклари*

САЛОҲИЯТ

Бозорга ўтиш даврида ҳеч кимга осон эмас. Бу даврни ўзига хос синов муддати деса бўлади. Биров осонгина ўтса, бировга охирги нуқтага етиш насиб этмас экан. Бунга бугунги корхоналар тақдири яққол далил бўла олади. Демак, ҳар ким иқтидори, меҳнатига яраша...

Шу нуқтаи назардан баҳоласак, жамоада раҳбар — ярим ютуқдир. Зеро, корхоналарнинг ютуғи ҳам, камчилиги ҳам бошлиқлар билан боғланиши бежиз эмас.

Жиззах пахта тозалаш корхонаси жумҳуриятимизда мазкур тармоқнинг ўрнак бўлаётган жамоаларидан биридир. Раҳматилла Бўстонов эса ана шу корхонага раҳбар.

Унда кўпчиликнинг бошини қовуштириб, аниқ мақсадга йўналтира олиш салоҳияти кучлилиги туфайли қисқа муддатда аҳил, меҳнаткаш жамоани қарор топтиришга муваффақ бўлди. Шунинг учун ҳам корхонада ютуқлар тобора салмоқли бўлиб боряпти. Корхона ўтган йилги «оқ олтин» ҳосилидан 28 минг тоннасини қабул қилиб, қайта ишлади... ва 1280 тонна пахта ёки 42676 минг сўм иқтисод қилди. Оддий ўқувчи таажжубга тушиши эҳтимол. Чунки, пахтани қандай иқтисод қилиш мумкин? Тушунтиришга ҳаракат қиламиз. Режа — пахтадан 28,3 фоиз миқдорда тола олиш эди. Бу ерда эса тола ишлаб чиқариш кўрсаткичи 29,3 фоизга тенг бўлиб чиқди. Бу дегани 334 тонна ортиқча тола демак. Бу ёғи энди оддий арифметика. Иккинчи томондан, қўшимча, ускуналар қисқартирилди. Бу эса 800—900 киловатт электр энергияни тежашга олиб келди.

Корхонада 300 тонна «улюк», яъни сифатсиз тола ишлаб чиқарилар ва 40 минг сўмдан сотиларди. Яқиндан бошлаб уни яна бир бор қайта ишлаб, ўзгача тола тайёрлаш йўлга қўйилди. Янги толанинг нархи 500 минг сўм. Ана ўша 300 тоннанинг ўзидан бу билан қўшимча 15 миллион сўм даромад олинаяпти.

Корхонада чигитнинг туклили даражасини ҳам режадагидан 1,5—2 фоизга туширишга ва момиқ, яъни линтни кўп олишга эришиляпти. Жорий йилнинг октябрь ойида 780 тонна тола ишлаб чиқарилди. Унинг 48 тоннаси ўша кўрсаткичлар ҳисобига қўшимча даромад бўлди. Бу йил корхонада 43 минг тонна пахта қайта ишланади. Агар тола олиш кўрсаткичини мўлжалдагидай чиқишини ҳисобга олсак, жамоа режадагидан ортиқча — йўқ жойдан 450-500 тонна тола ёки бошқача айтганда, 1500—1800 тонна пахта иқтисод қилади, деган гапку.

Ишлаб чиқариш жараёнида кам харажат қилиш, кўп чиқиндига чиқармаслик, иқтисодий изланишлар боис ана шундай натижаларга эришиляпти.

Аввалдан айтиб қўяйлик: корхонада ўртача маош 45-50 минг сўм ва ўз вақтида тарқатилади. Кунига 300 сўмдан овқат пули, кечки сменадагиларга бепул овқат, йўл ҳаражатларининг тўланиши, арзон баҳоларда ёрдамчи хўжаликдан сабзавот, гўшт, корхона ишчиларининг фарзандларига хизмат қиладиган болалар боғчаси, ҳам даволаниб, ҳам меҳнат фаолиятини давом эттиришлари учун жамоа аъзоларига 100 ўринли санаторий-профилакторий... бу каби имтиёзларни санайверасиз... Ўтган йили бундан ташқари бир миллион юз минг сўмга яқин маблағ моддий рағбатлантириш учун, 650 минг сўм эса муҳтож оилаларга ёрдам тариқасида тарқатилди. Илғор ишчилардан ўн беш нафари «Ўзбекистон овози»га бепул обуна қилдирилди. Бугунги иқтисодий қийин шароитда корхонадаги 45 оила уй билан бепул таъминланди.

Жиззах пахта тозалаш корхонасининг келажаги ҳам равон. 1994 йилнинг биринчи чорагида корхонада ўзбек — Британия «Джибри» қўшма корхонаси иш бошлайди. Корхона пахта ёғи, совун, шулҳа каби маҳсулотлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган бўлиб мамлакатимизда иккита бўлган бу тоифа йирик комбинатдан қувват ва сифат жиҳатдан қолишмайди. Шу билан бирга қўшма корхона пресслаш ишлаш усулига асосланиб, атроф-муҳитга зарарсиз ва ёнғин учун хавфсиз фаолият кўрсатади. Корхона ишга тушгач, муассислар йилига ундан бир миллиард сўмлик соф фойда олишни кўзда тутаяптилар.

Хуллас, корхонанинг иши ибратли. Чунки унинг мақтаса арзигудай жамоаси, 46 ХДП аъзосини бирлаштирган фирқа қўмитаси ва ишбилармон директори бор. Бундай вақтда жамоанинг ҳам, элнинг ҳам юки ерда қолмайди.

Дарвоқе, биз мақоламизга «Салоҳият» деб сарлавҳа қўйдик. Чунки Жиззах пахта тозалаш корхонасидаги барча ибратли ишлар, муваффақиятлар жамоанинг ўзига хос салоҳиятидан дарак. Унинг заминг мустаҳкам экан, кафолатли ҳамдир.

Ҳусан ЭРМАТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ДЕПУТАТ ҲОКИМ БЎЛДИ

Халқ депутатлари Нарпай туман кенгашининг навбатдаги сессияси бўлди. Унда ташкилий масала кўрилди. Ҳозиргача Самарқанд вилоят ипакчилик бирлашмаси директори бўлиб ишлаб келган Салоҳиддин Бобомуродов туман ҳокими этиб сайланди. С. Бобомуродов Ўзбекистон халқ ноиби, Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг аъзоси.

— «Ўзбекистон овози»ни ҳамиша қизиқиб ўқийман, — деди ҳоким. — Айниқса, кейинги пайтда газета саҳифаларида қадриятларимизни тиклаш, миллий истиқлол мафкурасини яратиш борасида берилаётган мақолалар кўпчиликка маъқул тушяпти. Ўйлайманки, туманимизда 1994 йилда «Ўзбекистон овози» муштарийлари сони янада ортади.

Фармон ТОШЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.



Маълумки, собиқ Иттифоқнинг парчаланиб кетиши оқибатида бошқа жойлардан келтирилаётган техника восталари кескин камайиб кетди. Олинаётганлари катта қийинчиликлар эвазига, ниҳоятда қимматга келтириляпти. Ана шундай шароитда эски техникани асраб-авайлаш, таъмирлаш ишлатиш самарали кечади.

Буни яхши тушунган Самарқанддаги «Кинап» заводи усталари асосий ишлаб чиқариш ҳажмини сусайтирмаган ҳолда эскирган техника ва ускуналар, эҳтиёт қисмларни таъмирлашни йўлга қўйдилар. Энди бу ерда аҳолидан музлатгичларнинг компрессорлари қабул қилиниб, таъмирлаб берилмоқда. Қўли гул усталар компрессорларни очиб, уннинг эскирган қисмларини янгилаяптилар. Хуллас, иккинчи умр ато этишяпти.

Самарқандликларни иқтисодий қийин шароитда чиқиб олишларига заводда немис фирмаси билан ҳамкорликда ташкил этилган «ДКК» қўшма корхонаси ҳам ёрдам бериши кўзда тутиляпти. Қўшма корхона уй-рўзғор учун музлатгичлар ишлаб чиқаради. Германиялик шериклар ҳозир бу ерда асбоб-ускуналарни ўрнатишяпти. Улар ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг анчагина қисмини сотишни ўз зиммаларига олишган.

СУРАТДА: ўз касбининг устаси электр монтажчи Олеся Белоусова. У корхона ускуналарини ўрнатишда алоҳида ўрнак кўрсатяпти.

Д. ҒОФУРОВ олган сурат.

„БИЗ КИМ, МУЛКИ ТУРОН...“

ТИКУВЧИЛИК КОРХОНАЛАРИ

● **ДУШАНБЕ. Тожикистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Хатлон вилоятининг Қўрғонтепа шаҳрида, Бохтар, Вахш, Ғозималик ва Пархор туманларида хўжалик ҳисобида ишлайдиган тикувчилик фирмалари очишга қарор қилди.**

Шунингдек, Қўрғонтепа шаҳрида санитария салфеткаси тайёрлайдиган корхона қурилади бўлди. Тожикистон ва Жанубий Корея ўртасида имзоланган икки томонлама битимга асосан «Санко Корпорейшн» фирмаси мазкур корхонага зарур асбоб-ускуналарни етказиб беради.

АКАДЕМИЯНИНГ ҲИССАСИ

● **ДУШАНБЕ. Республика Муҳандислик академиясининг Хўжанд бўлими шимолий Тожикистон ҳудудидаги қазилма бойликларини аниқлашда катта ишларни амалга оширмоқда.**

Улар Табошардаги конлардан кумуш, рух сингари қимматбаҳо металларни ажратиб олиш бўйича йирик лойиҳалар ишлаб чиқдилар. Олимлар «Катта Конимансур» олтин конини очиш, унга сарф бўладиган маблағлар ҳисоб-китобини ҳам тайёрлаб қўйдилар.

Хўжандлик олимларнинг илмий изланишлари жаҳон муҳандисларида ҳам қизиқиш уйғотмоқда. Шу йилнинг декабрь ойида улар Бангладешда, 1994 йилнинг апрель ойида эса Иордания қироллигида бўладиган халқаро анжуманга таклиф этилди.

МАҲСУЛОТЛАР ҚАЙТА ИШЛАНАДИ

● **ДУШАНБЕ. Хатлон республикадаги қишлоқ хўжалик маҳсулотларни етиштирадиган йирик вилоятлардан биридир.**

Лекин етиштирилган маҳсулотни қайта ишлаш катта муаммо бўлиб турибди. Буни ҳисобга олган вилоят раҳбарияти республика Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги билан қатор тадбирларни ишлаб чиқди. Эндиликда вилоятнинг ҳар бир туманида пахта, мева ва сабзавотни қайта ишлайдиган корхоналар қурилади .Туркия, Италия, Германия, Америка фирмалари билан уларни барпо этиш ҳақида шартномалар имзоланди.

НЕФТЬ БЕРИШ ТЎХТАТИЛДИ

● **АЛМАТИ. Қозоғистон Саратов вилоятига нефть етказиб беришни тўхтатди.**

Саратов нефтни қайта ишлаш заводи қўшни давлатга қарийб 50 миллиард рубль қарздор бўлиб қолган. Айни пайтда, деб хабар қилинади матбуот хабарларида, бу вилоятдан Россиянинг бошқа минтақаларига ва ҳатто кичик корхоналардан чиққан воситачиларнинг ҳаракати билан тегишли лицензияларни расмийлаштирмай туриб нефть маҳсулотлари чет элларга сотиб юборилмоқда.

АҲОЛИ КЎЧИШИ ҲАҚИДА

● **БИШКЕК. Мамлакат пойтахтидаги Рус драма театрининг томоша залига бунчалик кўп одам тўпланмаган эди.**

Қирғизистон билан бир умрга хайрлашиш ниятида бўлган кишилар томошахонанинг барча ўринлари ва йўлакларини тўлдириб юборишди. Булар асосан русийзабон кишилардир. Ростов вилоятининг барча туманларида уйжой ва ишлаб чиқариш бинолари қурилишини авж олдириб юборган «Виктория» агрофирмаси бу одамларни тўплашга муяссар бўлди. У ерга юздан зиёд оила аллақачон кўчиб борган. Бу лойиҳага қизиқиш билан қараётганлар яқин орада Ростовга кўчиб борганлар сонини бир неча марта кўпайтиришлари мумкин.

Аҳоли кўчишининг кўпайиши республика ҳукуматини ҳам ташвишлантирмоқда. Бу ердаги гап-сўзларга қараганда ана шу салбий ҳолатни тўхтатиб қолиш бўйича салмоқли дастур ишлаб чиқилмоқда. Ҳозирча унинг моддалари сир тутилмоқда.

МАТБУОТ ҲАҚИДАГИ ҚОНУН ЭСКИРДИ

● **АЛМАТИ. 1993 йилнинг 1 ноябрига Қозоғистон Республикаси Матбуот ва оммавий ахборот восталари вазирлигида 1080 та ахборот восталари рўйхатдан ўтказилди.**

Улар орасида 876 та вақтли нашр, 177 телевидение корхонаси, 14 та радио ва 13 та ахборот агентликлари бор.

Республикада чиқиб турган 777 та газетадан 499 таси давлат мақомини олган, 237 таси мустақил, 41 таси хусусийдир. Журналлар ҳам сон жиҳатидан салмоқлидир. 99 та журналнинг 36 таси давлатники, 54 таси мустақил ва 9 таси хусусийдир. Фақат биргина нашрни рўйхатдан ўтказишдан воз кечилди. Петропавловск шаҳрида чиқарилмоқчи бўлган «Глаз» газетасининг муассиси ва ноширн авал қасддан қилинган жиноят бўйича судланган шахс экан.

Қозоғистон Матбуот вазирлиги оммавий ахборот воситаларини рўйхатдан ўтказиш бўлими бошлиғи Асқар Чингизвич Бапишевнинг айтишига қараганда, ҳозирги пайтда 1991 йил 28 июнда қабул қилинган матбуот ҳақидаги қонун анча эскириб қолган. Мутахассислар янги қонун лойиҳасига катта қизиқиш билан қарамоқдалар. У демократик жамият ҳақида баркамол тасаввур берувчи ҳужжат бўлмоғи керак.

ОДОБНОМА ВАСИЯТЛАРИ

● **АШГАБАТ. Ҳар бир туркман фарзанди ота-онаси олдида қирқ байтлик аҳлоқ-одоб қоидаларини бажо келтириши муҳим қонундир, — деб ёзади «Ватан» газетасида эълон қилинган мақола муаллифи.**

Қирқ байтлик диний васиятнома билан бирга мусулмон туркманлар учун бир қатор аҳлоқий қоидалар авлоддан авлодга ўргатиб келинган. Болалар донмо ота-оналарининг иззат-ҳурматларини юксак даражада бажо келтиришган, садоқат билан хизматларини қилишган, мулойим овозда гаплашишган, танбеҳга қулоқ солишган, кўзларига тик боқиб қарашмаган.

(Марказий Осиё давлатлари ахборот агентликлари ва рўзномаларидан олинди).

ИНСОФ САРИ БАРАКА!

Осиё бозори

№ 42

1993 йил 25 ноябрь.

"ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ" ГАЗЕТАСИНИНГ АХБОРОТ-ТИЖОРАТ ИЛОВАСИ

НЕЧА ЙИЛДА ШИФОКОР БЎЛИШ МУМКИН?

Тошкент Давлат биринчи Тиббиёт институти қошида лицей очилди. У ушбу институт билан Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти умумтаълим мактаблари ҳамкорлигида ташкил этилган бўлиб, Ўзбекистон республикасининг маориф ҳусусидаги қонуни, лицей ва ўрта умумтаълим мактаби Низомларига биноан фаолият кўрсатади.

Унинг асосий мақсади — тўлиқсиз ўрта маълумотли, тиббиёт билан қизиқувчи иқтидорли ёшларни танлаб олиш, уларга чуқур билим беришдан иборат.

1992 — 1993 ўқув йилида лицей синов тариқасида фаолият кўрсатиб, яхши натижаларга эришганди. Саралаб олиб ўқитилган 63 нафар ўқувчининг 46 нафари Тиббиёт институти ва бошқа тиббиёт институтларининг тест синовларидан муваффақиятли ўтиб, талаба бўлдиташкилотлар.

Тиббиёт лицейи алоҳида Гурунбинога эга, унинг маъмурий ва бошқа ўқув хоналари, амалий машғулотлар ўтказиладиган лабораториялари бор. Шаҳар ва вилоятнинг бир қанча мактаблари, мактаб-лицейлари билан институт ўртасида шартномалар тузилган. Институт соҳага оид фанларни чуқурлаштирилган дастурда ўтишни, лицейни тугаллагунга қадар ўқувчиларга кичик тиббий ҳамшира малакасини беришни ҳам ўз зиммасига олган.

Лицей ўқувчиси ўз ихтиёрига кўра ўқув йили давомида лицейни тарк этиб, ўзи ўқиган мактабнинг мос синфига қайтиши ҳам мумкин. Ўқишда юксак натижаларга эришган ва жамоат ишларида фаол ўқувчиларга лицей мажлиси қарори билан стипендия берилади.


Ҳозир тиббиёт оламида юз ўзгаришлар бўлаётгани сир эмас. Тиббиёт — ҳаётий заруратдир. Шунинг барча соҳаларида хизмат қилаётган кадрлар малакасини оширишга алоҳида эътибор берилаётир. Шифокорларнинг, институтларга талабалар қабул қилиш тизимининг сон жиҳатдан кам эмаслиги ҳам анча ўзгарди. Шу йилдан бошлаб ўқув юртларида ўқитиш усули, ўқиш муддатлари ҳам анча ўзгарди. Шу йилдан бошлаб ўқув юртларини тугатганларга эса, қараёни уч босқичдан иборат бўлади. Дастлабки босқич беш йилда, иккинчиси тўрт йилда, учинчиси ўн йилда тугалланади. Шундан сўнггина ўқишни давом эттиришга ҳаракат қилади. Босқичдан босқичга ўтолмаганларга билимига қараб ҳужжат берилади ва улар лаёқатларига яраша хизматга жалб қилинтирилади.

Бу жараёнга кириб бориш осон эмас. Шу сабабли маҳаллараро марказ, лицей, коллеж шаклида дастлабки тиббий маълумот ва кўникмаларни берувчи илм даргоҳларининг кўплаб очилиши мақсадга мувофиқдир.

Т. ДАМИНОВ,
Тошкент Давлат биринчи тиббиёт институти ректори.



«ФАКЕЛ» иситиш қозонлари.




Газ горелкалари.

НАМАНГАН ТАЖРИБА ЗАВОДИ МАҲСУЛОТЛАРИДАН СОТИБ ОЛИНГ!


Корхонада қуйидаги маҳсулотлар тайёрланиб, савдога чиқарилади:

1. ДУ—80, ДУ—50, ДУ—100 маркали задвишкалар;
2. Горелкали сув иситиш қозонлари;
3. Газ горелкалари;
4. Темирдан ясалган эшик блоклари;
5. Пластмассадан ясалган мева соладиган вазалар.

МАНЗИЛГОҲ: Наманган шаҳри, Навоий кўчаси, 67.
Телетайп: 258237—Тажр. (опит).
Телефон: 38442, 38443, 33541.



Халқ истеъмоли моллари, шу жумладан, рўзғор вазалари.



Сув тарқатиш қурилмалари.

П. АКБАРОВ олган суратлар.

1993 йилнинг 7-11 декабрь кунлари

Ўзбекистон рассомлари Уюшмасининг Кўргазма зали

Жихозлар, қурилиш материаллари ва уларни ишлаб чиқариш технологиясининг Ҳалкаро кўргазмаси

ҚУРИЛИШ САНОАТИ-93

* Лойиҳалаш, технологиялар, системалар
* Қурилиш материаллари, шу жумладан мармар, гранит ва бошқа табиий тошларни ишлаб чиқариш учун технология ва жиҳозлар
* Ғишт ва оловбардош материалларни ишлаб чиқариш учун технология ва жиҳозлар
* Кулолчилик буюмларини ишлаб чиқариш учун технология ва жиҳозлар
* Бетон ва цементни тайёрлаш ва транспортировка учун машина ва жиҳозлар
* Ер ишлари учун машиналар
* Материалларни транспортировка, сақлаш, юклаш ва жойлаш учун машиналар
* Изоляцион материаллари, уларни ишлаб чиқариш учун жиҳозлар
* Дераза ва эшик ромлари ва анжомлари
* Электрогенератор системалари
* Компрессорлар
* Кондиционерлар
* Санитария техникаси ва уни ишлаб чиқариш учун жиҳозлар
* Кулолчилик плиткалари
* Кранлар ва корғичлар
* Мебель

Олмония, Италия, Польша, Россия, АҚШ, Ўзбекистон, Франция, Швейцарияларнинг етакчи фирмалари кўргазмада иштирок этади

Ташкилотчилар:
Ўзбекистон Давлат "Ўзқурилишматериаллари" концерни,
"Ўзбегим Интернейшнл" Қушма корхонаси,
"Негус Экспо" корхонаси

Кўргазманинг иш вақти соат 10.00дан 17.00гача

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ҲУРМАТЛИ ФУҚАРОЛАРИ!

«ЖЎРА» ФИРМАСИ

Шуни маълум қиладики, «ЖЎРА» пул-буюм лотереясининг тиражи маълум сабабларга кўра 1994 йил 10 февралга кўчирилди. Бунинг учун узр сўраймиз.

ТЎЙГА ТЎЙ УЛАНАДИ

Бухоро вилояти ҳокимлигидан хабар қилишларича, бу йилги ҳосил байрами Мустақил Ўзбекистон Конституциясининг бир йиллиги тантаналарига уланиб кетади. 3 ва 6 декабрда туманларда, 7 декабрь куни эса вилоят марказида ана шу қўшалоқ байрамга бағишланган оммавий тадбирлар ўтказилади.

(ЎзА).

ЯНГИЛИКДАН ХАБАРИНГИЗ БОРМИ?

БУ ШУНДАЙ КОМБИНАТКИ...

Дарҳақиқат, бу шундай комбинатки, у гўшт, дон ёки ёғ маҳсулотларини ишлаб чиқармайди, балки балиқ маҳсулотлари тайёрлайди. Комбинат бир кунда 2 тоннадан знёд тузлаб, дудланган ва қотирилган балиқ тайёрлаш қувватига эга.

Энг қувончлиси комбинат учун тоза, эндигина ушланган балиқларнинг маҳаллий шароитда сероблигидир. Чунки навқирон Навоий вилоятининг Қизилтепа, Конимех туманларида Тўдакўл, Шўркўл, Айдаркўл сингари йирик балиқ ҳавзалари бор. Уларда ҳар йили 10—15 минг тонналаб турли хил балиқлар урчитилиб, парвариш қилинади. Мазкур ҳавзалар зоғара, ширмойи, сазан, лаққа, сингари харидоргир балиқ турларини кўпайишига ниҳоятда қулай.

Ана шуни ҳисобга олган вилоят ҳокимлиги Навоий балиқ комбинати қурилиши ва ишга туширилишини тезлатди. Натижада ойига 70—75 тонна сифатли дудланган балиқ ишлаб чиқарадиган комбинат барпо этилди. Комбинат маҳсулоти биргина Навоий, Зарафшон, Учқудуқ, Миробод шаҳарларигагина эмас, балки жумҳуриятимизнинг бошқа вилоятларига ҳам жўнатилаяпти.

Комбинатнинг истиқболи порлоқ. Ундаги асбоб-ускуналарнинг кўпи ҳорижда тайёрланган. Балиқ тузловчи ва дудловчилар асосан маҳаллий ёшлардан иборат. Шунингдек, комбинат учун тайёр маҳсулотлар маҳаллий ҳавзаларнинг ўзида етиштирилаяпти. Комбинат жамоаси келгусида турли хил балиқ консервалари ишлаб чиқаришни ҳам мўлжаллаяпти.

Бу билан парҳез балиқ гўшти тақчил бўлиб турган шу кунларда навоийликлар ҳайрли ишга қўл уришди.

М. ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ҲУРМАТЛИ ВА ҚАДРЛИ ҲАМШАҲАРЛАР, ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Қизил Ярим Ой Жамияти тўғрисида»ги 1992 йил 28 майдаги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 5 октябрь 458-рақамли қарорига асосан декабрь ойида Тошкент шаҳрининг барча туманларида Қизил Ярим Ой Жамияти Жамғармасига хайрия тўплаш ўн кунлиги ўтказилади.

Бундан мақсад бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида Тошкент шаҳар Қизил Ярим Ой Жамияти тасарруфидаги кекса, ногирон, кам даромадли, касалманд, ёлғиз инсонларни ва кўп болали оилаларни иқтисодий муҳофаза қилишга, уларнинг жамият ҳаётида фаол иштирок этишлари учун имкониятлар яратишдир.

ХАЙРИЯНГИЗ:

— табиий офатлар (ер қимирлаш, ёнғин, сув, тошқини, экологик фожеалар, техник ҳалокатлар) туфайли зарар кўрган фуқаролар учун зарур, турли анжомлар (кийим-кечак, чодирлар, кўрпа-тўшаклар, озиқ-овқатлар) учун ишлатилади.

— «Наврўз байрами», «Рамазон ҳайити», «Мустақиллик куни», «Қариялар куни»да ёлғиз қариялар кўнглини кўтариб, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга ажратилади.

— иқтисодий тақчиллик вақтида санитария-гигиенага оид плакатлар, СПИД, алкагол ва нашавандлик каби касалликларга қарши курашиш учун китобчалар босиб чиқаришга сарфланади.

Шаҳримизнинг ҳар бир фуқароси ва меҳнат жамоалари хайрия ўн кунлигида фаол қатнашадилар деб умид қиламиз ва ишонамиз. Гарчи Сизнинг қўшадиган ҳиссангиз денгиздан томчи бўлсада, у меҳрибонлик ва меҳршафқат денгизига айланиб кетади. Хайрия қилишга шошилинг! Зеро, ҳадисларда айтилганидек, Сиз «Мурувват эшигини очсангиз, Тангри Сизнинг молу дунёнгизга барака ато этсин»!

Мурувват қилишни кўнглингизга тукқан бўлсангиз, Қизил Ярим Ой Жамияти Юнусобод тумани саноат-қурилиш банкидаги 000700556, МФО 172682304 рақамли ҳисоб-счётимизга пул ўтказишингиз мумкин.

Тошкент иқтисодий фаолият миллий банкидаги валюта рақами: 70000060 0001.

ҚИЗИЛ ЯРИМ ОЙ ЖАМИЯТИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР ҚЎМИТАСИ.

Ем-хашак, озуқани универсал электр майдалагич
СОТИЛАДИ

Оғирлиги 100 килограмм, унумдорлиги соатига 500 килограмм.

Мурожаат учун телефон: 66-30-96.

Тошкент Давлат университети томонидан 1973 йилда Пўлат Азизович Саматов номига берилган Ю 092568 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли БЕКОР ҚИЛИНАДИ

ҚЎЛГА ТУШДИ

Самарқанд вилоят ҳокимлиги ички ишлар бошқармасининг уюшган жиноятчилик ва порахўрликка қарши кураш бўйича ихтисослашаётган ходимлари шаҳарнинг Боғишамол туманида инкассация бўлими бошлиғи, айни пайтда 719-жамғарма банки Боғишамол Марказий бўлимининг хазина бошлиғи Иброҳим Умаровни хизмат хонасида иккинчи гуруҳ ногирони Г. Ҳайдаровдан бир миллион рубль пора олаётганида қўлга туширдилар. И. Умаров 1941 йилда туғилган, миллати ўзбек, оиласи бор. Муқаддам судланмаган, Самарқанд туманининг Ўрташик қишлоғида яшайди.

И. Умаров Г. Ҳайдаров берган маълумот бўйича қўлга олинди. Жабрланувчи И. Умаровнинг гапига биноан воситачи, мазкур жамғарма банкининг инкассатори А. Қодировга 1992 йилда чиқарилган 10000 рубликдан икки миллион сўм беради. Воситачи бу пулни инкассация бўлими бошлиғига топширади. Жабрланувчига эса, инкассация бўлими бошлиғидан олинган ҳар бири минг сўмдан иборат 10 даста пул — бир миллион рублни қайтариб беради.

И. Умаров қўлга олинганида хизмат хонасидан жабрланувчи унга берган икки миллион рубль чиқади. Самарқанд шаҳар, Боғишамол тумани прокуратураси мазкур факт юзасидан Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг 152—2 моддасига мувофиқ жиноий иш қўзғади.

(ЎзА).

ҚЎЛГА ТУШДИ

ҲАР КИМКИ ЕМОН БЎЛСА, ЖАЗО ТОПҚУСИДИР

ҚЎЛГА ТУШДИ

Самарқанд вилоят ҳокимлиги ички ишлар бошқармасининг уюшган жиноятчилик ва порахўрликка қарши кураш бўйича ихтисослашаётган ходимлари шаҳарнинг Боғишамол туманида инкассация бўлими бошлиғи, айни пайтда 719-жамғарма банки Боғишамол Марказий бўлимининг хазина бошлиғи Иброҳим Умаровни хизмат хонасида иккинчи гуруҳ ногирони Г. Ҳайдаровдан бир миллион рубль пора олаётганида қўлга туширдилар. И. Умаров 1941 йилда туғилган, миллати ўзбек, оиласи бор. Муқаддам судланмаган, Самарқанд туманининг Ўрташик қишлоғида яшайди.

И. Умаров Г. Ҳайдаров берган маълумот бўйича қўлга олинди. Жабрланувчи И. Умаровнинг гапига биноан воситачи, мазкур жамғарма банкининг инкассатори А. Қодировга 1992 йилда чиқарилган 10000 рубликдан икки миллион сўм беради. Воситачи бу пулни инкассация бўлими бошлиғига топширади. Жабрланувчига эса, инкассация бўлими бошлиғидан олинган ҳар бири минг сўмдан иборат 10 даста пул — бир миллион рублни қайтариб беради.

И. Умаров қўлга олинганида хизмат хонасидан жабрланувчи унга берган икки миллион рубль чиқади. Самарқанд шаҳар, Боғишамол тумани прокуратураси мазкур факт юзасидан Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг 152—2 моддасига мувофиқ жиноий иш қўзғади.

(ЎзА).

ҚУТЛАЙМИЗ!

Азиз ва меҳрибон волидаи муҳтарамамиз
урбуви!

Сизни таваллуд топкунингиз билан муборакбод этамиз.

Падари бузрукворимиз
лан қўша қариб, орзувасларингизга етиб
ишларингизни ратндан тилаймиз!

АРЗАНДЛАРИНГИЗ:
луфар, Лобар, Нодир, Собира ва Дилором
рсуновалар.

Олмалиқ шаҳри.

КЎЧАТ КЕРАКМИ, МАРҲАМАТ!

Р. Шредер номидаги боғдорчилик, узумчилик ва шароб илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг Наманган вилоятидаги давлат хўжалиги ходимлари мевали, субтропик ва манзарали дарахт кўчатлари савдосини қизитиб юбордилар.

Харидорларга шафтоли, олхўри, бодом, ёнғоқ, анжир, хурмо ва бошқа мева кўчатларининг 20 дан ортиқ нави таклиф қилинмоқда. Эҳтиёжни ҳисобга олиб, давлат хўжалигида бу йил биринчи марта терак кўчати ҳам тайёрланди. Ўтган йиллардан фарқли ўлароқ, кўчатлар фақат хўжаликларгагина эмас, аҳолига ҳам сотилмоқда.

ТОВУҚХОНА СОТИБ ОЛИНДИ

Навбаҳор туманидаги «Янги қўрғон» жамоа хўжалиги аъзоси Шаҳриёр Шерзодов хўжалик товуқхонасини 2,5 миллион сўмга сотиб олди. Хусусий ферма «Хазина» деб аталди. Шартномага кўра, ферма йил охирига қадар хўжаликка 30 минг дона тухум етказиб беради. Маҳсулот билан биринчи навбатда болалар боғчалари ва мактаблар таъминланади.

МАШИНА ОЛОЛМАЙДИГАН БЎЛДИ

Ашхобод вилоятининг Серахс туманидаги «Кориз» кичик корхонаси директори Нурёғди Елдиев муомаладан чиқарилган 1961 — 1992 йилги 8 миллион сўмдан кўпроқ пулни жомадонига солиб, дўсти Сапармурод Сапаровнинг енгил машинасида Каттақўрғон шаҳрига йўл олди.

Бироқ С. Сапаров бошқариб бораётган машина Самарқанд — Бухоро йўлининг Навоий туманидаги «Нарпай» давлат хўжалигидан нари ўтолмади. Уни Навоий вилояти давлат автомобиль инспекцияси ходимлари тўхтатди. Н. Елдиев улардан бу пулларга машина сотиб олиш учун Каттақўрғон шаҳрига кетаётганини яширмади.

(ЎзА мухбири).

• *Саломатлик масканларида* •

...АРМОН БЎЛИБ ҚОЛМАСИН

● Ҳаёт ҳаракатни тақозо этади.
● Фароғат — орзуларнинг ушалиши, демакдир.
● Тиббиёт соҳасида «Ўзбек — Англия» қўшма корхонаси.
● Улуғбек клиника очмоқчи

Маълумки, пулли тиббий хизмат — ҳозирги пайтда энди ривожланиб бораётган иш усулларидан бири саналади. Республикамизда аҳолига пулли тиббий хизмат кўрсатиш тармоғи кундан-кунга кўпаймоқда ва ўзининг афзалликларини кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши томонидан қабул қилинган тадбиркорлик тўғрисидаги қонун барча касб эгалари қатори тиббиёт ходимларини ҳам тадбиркорликка даъват этди ва бунинг учун ҳамма шарт-шароитлар яратиб берилди.

Бундан бир йилча бурун Тошкент шаҳрининг бир гуруҳ стоматологлари пулли тиббий хизмат соҳасида ўз тажрибаларини синаб кўришга қарор қилдилар. Тошкент Давлат тиббиёт институтини бундан етти йил муқаддам тугатиб, амалий ҳизмат соҳасида анча тажриба орттирган шифокорлар шаҳримизнинг Мирзо Улуғбек тумани ҳудудида ихтисослашган шифохона «Стомато—сервис» очишга қарор қилдилар.


Бунинг учун зарур шарт-шароит, аҳоли кўп истиқомат қиладиган жой танланиши лозим эди. Тошкент Трактор ишлаб чиқариш корхонаси маъмурияти шифокорларга бу масалада ёрдам берадиган бўлди. Корхона ўз атрофидаги бўш жойни тадбиркорлар жамоаси ихтиёрига ўтказди. Унинг очилганига ҳали кўп вақт бўлганича йўқ. Шунга қарамасдан, бу маскан жамоаси эл эътиборини қозонди.

Айни пайтда шифохона тиш оғриғи билан хасталанган беморларнинг оғирини енгил қилмоқда. Ҳозирда бу масканда 20 нафарга яқин малакали шифокор меҳнат қилмоқда.

— Даргоҳимизда даволаш, жарроҳлик, тиш қўйиш бўлимлари мавжуд, — дейди «Стомато— сервис» шифохонасининг бош ҳакими Улуғбек Холматов. — Туғма ёки нуқсонли жағ ва тишларни даволаш мақсадида яқинда жағ ва тишларни тўғрилаш, ўз ҳолига келтириш бўлимини ташкил этдик. Булардан ташқари, болаларнинг хасталанган тишини оғриқсиз даволаш учун ухлатиб муолажа қилиш усулларидан ҳам фойдаланяпмиз. Пулли хизматнинг шуниси афзалки, — сўзида давом этди бош врач, — аввало сифатли, қолаверса оғриқсиз мосламалар, воситалар ёрдамида тез ва соз муолажа усуллари қўлланилади.

Жаҳон тиббиётининг алломаларидан Абу Бакр Розий бир йигит тиш оғриғига учраб кўп азобланганда, унга томирдан қон олдиришни, сирка билан оғиз чайишни ва эрталабдан анор суви ичишни тавсия этган экан. Шуниси муҳимки, ҳозирги кунда шифохонада Ибн Сино ва табобат илмининг бошқа донишмандлари қўллаган муолажа турларидан фойдаланиш йўлга қўйилган.

Шифохона бошқа тиббий масканлардан оғиз ва оғиз бўшлиғидаги касалликларни, милк ҳамда оғиз юмшоқ тўқималарини даволаш билан фарқ қилади. Қолаверса, бу ерда даволашнинг замонавий усуллари жорий этилган. Шифохона Англиядан келтирилган бир қанча асбоб-ускуна ва воситалар, тиш қолиплари, турли хил зарур анжомлар билан жиҳозланган. «Стомато—сервис»да Польша, Чехословакия, Германия, Америкадан келтирилган, ганчдан тортиб кумушгача бўлган мосламалар мавжуд.



— Лондондаги энг етакчи стомотологик фирмалар ўртасида зарур воситаларни етказиб бериш мақсадида икки томонлама шартномалар имзоланди. Энди шифокорларнинг тажрибаси билан мижозларга кўтаринки руҳда хизмат кўрсатишга ҳеч қандай шубҳамиз қолмади, — дейди «Стомато—сервис» «Ўзбек — Англия» қўшма корхонаси раҳбари Алишер Холматов.

Мирзо Улуғбек тумани ҳокимияти ёш шифокорларнинг ушбу ташаббусини маъқуллади. Соғлиқни сақлаш вазирлиги жамоаси ҳам бу ишда кўмак беришга тайёр эканликларини билдирдилар.

— Бизнинг эндиги вазифамиз — ишимизни яхши йўлга қўйиб, беморларга юқори даражада тиббий хизмат кўрсатиб, уларнинг олқишига сазовор бўлишдир. Бундан ташқари, республикамизда биринчи маротаба клиника ташкил этиб, халқимизга аъло даражада хизмат кўрсатсак, деган умидимиз бор, — дея таъкидлади бош врач.

Соҳибжон САЛИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

МУАССИСЛАР: «ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ВА «ОСИЕ БОЗОРИ» ГАЗЕТАЛАРИ ИЖОДИЙ ЖАМОАЛАРИ.

Нашр учун масъул Тўхтамурод ТОШЕВ.

Ҳафтада бир марта чиқади.

«Осиё бозори» Ўзбекистон Республикаси матбуот давлат қўмитасида рўйхатга олинган. Гувоҳнома № 000176.

Эълон ва билдирувлар нақд пулга ва пул ўтказиш йўли билан қабул қилинади.
ТЕЛЕФОНЛАРИМИЗ: 33-41-89, 32-55-70, 33-38-55.

БИЗНИНГ МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент шаҳри, ГСП, Матбуотчилар кўчаси, 32, 3-қават, 344, 346-хоналар.
Индекс: 75487.

• БОҚИЙ ШАЖАРА •

КЎҲНА ФАРҒОНА

(МИЛОДДАН ОЛДИНГИ БИРИНЧИ МИНГ ЙИЛЛИК)

(ОЛТИНЧИ МАҚОЛА)

Марказий Осиёнинг энг гўзал ва ғаройиб масканларидан бири бу Фарғона водийсидир. Иқлим шароити, жуғрофий жойлашуви, табиий бойликлари билан Фарғона доим эътибор қозониб келган. Унинг Марказий Осиё халқлари тарихида, хусусан, давлатчилик тарихида тутган ўз ўрни ҳам бор. **Милоддан аввалги II-I асрларда бу ерда минтақадаги илк давлат тизимларидан бири мавжуд бўлган.** Албатта, унинг асослари анча илгарироқ, кам деганда милоддан аввалги биринчи минг йиллик ўрталарида шакллана бошлаганига шубҳа қилмаса ҳам бўлади.

Фарғона минтақамизнинг энг қадимий маданият ўчоқларидан ҳисобланади. Чунончи, тахминан милоддан аввалги II мингинчи йиллардаёқ бу ерда деҳқончилик маданияти ўта тараққий эта бошлаган. Деҳқончилик билан ёнма-ён чорвачилик, балиқчилик, ҳунармандчиликнинг металлни қайта ишлаш, кулолчилик, тўқимачилик соҳалари юксалиб борганини археолог олимларимиз томонидан тасдиқланган. Мазкур фаолият соҳаларининг ривож топиши кишилар ҳаёти, хусусан, турар-жой масаласида ҳам ўз таъсирига эга бўлиши табиий. Шу сабабдан ҳам кўрсатилган даврда мустаҳкам қўрғонлар қуриш, бориб-бориб уларнинг шаҳарларга айланиш жараёни жиддий равишда кечгани ҳам маълум.

Қадимги Фарғона аҳли келиб чиқиши масаласига келсак, юнон тарихчилари Сирдарёнинг (Яксарт, Танаис) нариги томонида (шимолида, юқори оқимларида) саклар (шакллар, скифлар) яшайдилар, деб гувоҳлик бериб кетганлар. Ҳамадондан топилган қадимги форс, элам, бобил тилларида битилган ёзувда эса «Сўғдиёнадан нарида яшовчи саклар (скифлар)» ҳақида маълумот сақланган. Диққатга сазовор томони шундаки, баъзи бир юнонлик тарихчилар (Гекатей, Геродот, Плиний ва б. к.), ҳинд олими Панинний (тахминан милоддан аввалги V аср) асарлари, паҳлавий ёзувида битилган «Бундахшин»да париқани, париани, праканва ва паркан этник-жуғрофий атамалари учрайди. То шу кунгача мазкур атамаларнинг Фарғона билан боғлиқлигини исботловчи ё инкор этувчи бирон-бир беками-кўст илмий асос шаклланганича йўқ. Тажжубланарли томони шундаки, Фарғона ҳақида «Овесто»да бирон-та сўз ёки ишора ҳам йўқ. Фикримизча, фарғоналикларнинг келиб чиқиши масаласида жиддий хулосаларга туртки бўлишга арзигулик ёзма манба сифатида милоддан аввалги II-I асрлардаги хитой муаллифлари асарлари хизмат қилиши мумкин. Милоддан аввалги II аср 20-йилларида Фарғона, Сўғдиёна, Бақтрияда сафарда бўлиб, Марказий Осиёнинг мазкур ва бошқа қатор маконлари тўғрисида батафсил маълумотлар тўплаган хитойлик элчи Чжан Кян (Цян) қолдирган қуйидаги гувоҳликка эътибор беринг: **«Даван (Фарғона)дан ғарбга томон Ансигача (Парфия) бўлган (улкан ҳудудда) турли тилларда (лаҳжаларда) сўзлашсаларда, аммо урф-одатларни ўхшаш ва муомалада бир-бирларини тушунадилар».** Демак, кўҳна Фарғона аҳлининг Марказий Осиёнинг бошқа ўлкалари аҳли билан келиб чиқиш боғлиқлиги масаласида ҳеч бир шубҳа йўқ. Минтақа маданий тараққиётининг турли давр ва соҳаларини ўрганган археологларимиз ҳам буни тасдиқламоқдалар.

Хитойликлар Фарғонани Даван (Улуғ ван (?), деб атаганлар. Бу вақтда (яъни, милоддан аввалги II аср иккинчи ярмида) кам деганда 60000 оила — 300000 киши истиқомат қилган. Мазкур рақамни келтирган хитойлик муаллиф афтидан Фарғонада ўша вақтда мавжуд барча аҳоли сонини назарда тутмаган. Зеро, бошқа бир маълумотда бутун Фарғона бўйлаб аҳоли сонн бир неча юз мингни ташкил этади, дейилади. Чунки бу даврдаги Даван (Фарғона) давлати тушунчасига асли Фарғонадан кенгроқ ҳудудни ўз ичига олган макон англашилган.

Фарғона давлати бошқаруви тизимида ҳукмдор, унинг икки ёрдамчиси (вазири) ва оқсоқоллар кенгаши фаолият кўрсатганлиги хитой манбаларидан маълум. Ёрдамчилар асосан ҳукмдор қон-қариндошлари орасидан тайинланган бўлиши керак. Аммо оқсоқоллар кенгаши мамлакат ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва ташқи муносабатларида фаол иштирок этиши билан бир қаторда ҳукмдор фаолиятига аралашиш қудратига ҳам эга бўлган. Уруш очиш, сулҳ тузиш, янги ҳукмдорни тайинлаш ё уни тахтдан маҳрум этиш каби тадбирларда оқсоқоллар кенгаши етакчи ўрин тутганлигини кўрсатувчи далиллар бир талай.

Фарғонанинг маъмурий бўлиниши ҳақида сўз кетганда, энг аввало хитойлик муаллифнинг **«Даванда (Фарғонада) етмишга яқин катта-кичик шаҳарлар мавжуд»**, Даван ва Дахя (Бақтрия) ўртасида ўхшашликлар кўп, каби гувоҳликлари диққатни тортмай қолмайди. Маълумки, Бақтрия «минг шаҳар» ўлкаси номи билан машҳур бўлган. Хитойлик элчи бу ерда бўлган чоғда жуғрофий маънодаги Бақтрияда Тохаристон давлат бирлиги ҳукм сурарди (хитойликлар наздида Буюк юечжи). Хитой манбаларига кўра Дахяда ҳар бир шаҳар ўз ҳокимига эга бўлиб, улар устидан турувчи олий ҳукмдор бўлмаган. Агар юқорида эслатилган «Даван ва Дахя ўртасидаги ўхшашликлар» Дахядаги шаҳарлар тутган мавқега ҳам дахлдор бўлса, у ҳолда Фарғонадаги кўплаб шаҳарлар ҳам маълум маънода мустақилликка эга бўлганлар.

Бир-икки оғиз сўз Фарғона давлати ҳарбий қўшини ҳақида. Яна ўша хитой манбаларига мурожаат қилинса лашкар ҳаммаси бўлиб 60000 кишидан иборат бўлган. Фарғоналик ҳарбийлар айниқса, от устида ўтириб камондан ўқ отишнинг устаси бўлган эканлар. Улар найзалардан ҳам фойдаланганлар. Фарғона ҳаётида от, айниқса, арғумоқлар алоҳида ўрин тутганини инобатга олиб, лашкарнинг жанговар қисмини отлиқлар ташкил этган, деб фараз қилиш мумкин. Хоразмликлар асос солган от ва чавандозни зирихга чулғаш ва душман билан юзма-юз курашда камондан моҳирона фойдаланиш тактикаси фарғоналиклар учун ҳам яхши таниш бўлганига шубҳа йўқ. Бу усул билан хитойликлар худди шу Фарғонада танишган бўлишлари керак.

Фарғона ҳарбийлари мудофаа санъати борасида ҳам маълум бир тажриба ва салоҳиятга эга бўлганлар. Чунончи, мудофаани ташкил этишда шаҳарлар имкониятидан кенг фойдаланилган. Масалан, пойтахт Эрши шаҳри (ҳозирги Аравон яқинидаги Марҳамат қадимий шаҳар ўрни билан айнан деб ҳисобланади) ички ва ташқи деворлар билан ўралган. Шаҳарнинг ички қисмида узоқ муддатга етарли миқдорда озиқ-овқат сақланувчи омборлар ва бошқа муассасалар бунёд этилган.

Юқорида биз Фарғонада деҳқончилик маданияти милоддан аввалги II мингинчи йиллардаёқ юксак даражада бўлганлигини айтиб ўтгандик. Милоддан аввалги II аср хусусида эса Чжан Кян қуйидагича гувоҳлик беради: **«Даванликлар ўтроқ ҳаёт кечирадилар, деҳқончилик билан шуғулланиб, шолик ва буғдой етиштирадилар».** Кези келганда шуни ҳам таъкидлаш ўринлики, Марказий Осиёда шоличиликнинг кенг ўрин тутганини тасдиқловчи маълумотлар энг қадимий ёзма манба «Овесто»да ҳам бор. Мутахассислар фикрича, тахминан шу даврда Фарғонада пахтачилик соҳаси ҳам йўлга қўйиб борилган.

Хитойликларни лол қолдирган ажойиботлардан яна бири бу арғумоқлар эди. Фарғона арғумоқлари қадр-қимматини шундан ҳам билса бўладики, хитойликлар то бу ўлка билан танишгунларига қадар Еттисувда яшовчи усунларнинг отларига ҳавас билан қараб, уларни «учар от» деб таърифлаб келган эканлар. Фарғона арғумоқларини кўргач мазкур таърифни буларга нисбатан ишлатиб усунлар отларини «узоқ Ғарб отлари» деб атай бошлаган эканлар. Фарғона арғумоқлари баданидан тер ўрнига қон чиқади, қабилидаги ҳайратомуз гувоҳликларни хитой манбаларида тез-тез учратиш мумкин. Арғумоқлар алоҳида парвариш остида бўлиб, бегона кўздан нарида, масалан, Эрши шаҳрида сақланган. Иложи борича зотдор отларни қўлдан чиқармасликка, ўзга юртларга тарқамаслигига интилинган.

Юқорида эслаб этилган 70 та шаҳардан фақат иккитасининггина номи маълум; Эрши ва Ю.Эрши Фарғона марказн ҳукмдор қароргоҳи ҳисобланиб, икки қатор девор билан ўралган. Ҳукмдор саройи афтидан шаҳар ички қисмида, ташқи қисмида эса ҳунармандчилик устахоналари, савдо расталари жойлашган. Зикр этиб ўтилган озиқ-овқат, қурол — аслаҳа омборлари ҳам шаҳар ички қисмидан ўрин олган. Ю ҳам мустаҳкам девор билан ўралган шаҳар бўлган. Эрши аҳолиси илгаридан оқар сувлардан истеъмол қилиб келган бўлса-да, хитойликлар босқини даврида рақибнинг дарё сувини бўғиб қўйиши натижасида шаҳар ҳудудида қудуқ қазиш ҳам расм бўлган.

Фарғонанинг атроф ўлкалар билан сиёсий алоқаларига назар ташланса, **зумдаёқ қўпориб ташланади... Биз ҳеч кимга бош эгмаймиз, бировни итоат эттиришни (ҳам) хоҳламаймиз... Фақат ўзаро тенглар ўртасидагина мустаҳкам дўстлик бўлиши мумкин, ўзаро тенг деб эса бир-бировига куч ишлатмаганларни айтиш мумкин... Скифлар (шаклар) қуруқ қасам ичиб дўстликка ундаяптилар, деб ўйлама; улар учун қасам содиқлик гаровидир. У юнонликлар эҳтиётқорлик юзасидан аҳднома имзолайдилар ва бунда худоларга (ҳам) илтижо қиладилар. Содиқликни сақлаш эса бизнинг динимиздир. Кимки инсонни ардоқламаса, у худоларни алдаган бўлади...».** Мазкур сатрлар орқали шаклар дунёқараши, қадриятлари ва улардаги мавжуд элчилик расм-русумлари хусусида тегишли хулосалар чиқариб олишимиз мумкин.

Фарғона давлатининг милоддан аввалги 1 минг йилликнинг сўнгги асрлардаги ташқи сиёсий алоқаларида Хитой алоҳида ўрин тутган. Тарихан «Ўртада жойлашган давлат (подшоҳлик)» маъносини англатувчи Хитой давлати аслида қадимдан Хуанхэ дарёси ўрта оқимида асос топган ва милоддан аввалги 1 минг йилликнинг сўнгги асрларида шу воҳа теграсида ички сиёсий-ижтимоий, иқтисодий тараққиёт ва ташқи тажовузлар (масалан, хунлар (суюнну) таъсирида яшаб келган бўлса, милоддан аввалги II асрда Хан сулоласи даврида ғарбга томон интилиб кетади». Шу тариқа икки томон ўртасига совуқчилик тушади. Фикримизча, Хан сулоласининг асл мақсади ҳам худди шу бўлиб, Фарғонага бостириб кириш учун баҳона излаш эди. Ҳақиқатан ҳам, милоддан аввалги 104-йили 6000 отлиқ ва бир неча ўн минг пиёдадан иборат хитой лашқари Фарғона шарқида жойлашган Ю шаҳрига ҳужум қилади. Аҳолининг мардонавор қаршилигига қарамай узоқ жанглардан сўнг шаҳар душман қўлига ўтади. Аммо кўплаб аскарларини йўқотган, оч-наҳор хитой лашкари орқага қайтишга мажбур бўлади. Афтидан улар Фарғонанинг асосий қўшинни етиб келиб қолишидан чўчиган бўлсалар ҳам керак. Тахминан ҳудди шу йили (ё бир йил кейин) хитойликларнинг 20000 отлиқдан иборат бошқа бир лашкари ўз сардори Шо-йе-хэу бошчилигида хунларга таслим бўлади. Аччиғи чиққан Хан сулоласи ҳукмдори нима қилиб бўлса ҳам Фарғонага ҳарбий юришни давом эттиришни талаб қилади. Хитойнинг Фарғонага интилиши шу қадар кўчли бўлганки, бу сафар юришда 60 минг қўшин, уларга хизмат юзасидан 100000 бош хўкиз, 30000 тагача от, 10000 тагача хачир, эшак, туядан иборат ёрдамчи қисмлар иштирок этган. Лашкарнинг турли қисмларига бошчилик қилиш учун 50 нафар йирик лашкарбоши тайинланган. Ҳарбий юришга шунчалик жиддий тайёргарлик кўрилганки, Фарғона пойтахти аҳли оқар сувдан истеъмол қилишини олдиндан билган хитойликлар ўзлари билан дарё сувини бўғиш бўйича усталарни ҳам бирга олиб кетганлар. Хуллас, хитойлик муаллиф тили билан айтганда бу сафар (тахминан милоддан аввалги 102—101-йили) «бутун (Ўрта) подшоҳлик жунбушга келганди». Хитой қўшини аввалига халқнинг қаттиқ қаршилигига тўқнаш келади. Оғир жанглардан сўнг фарғоналиклар Эрши шаҳрига чекинадилар ва шу тариқа пойтахт қамали бошланади. Хитойликлар шаҳарни сув билан таъминловчи дарё сувини бўғадилар. Пойтахт сувсиз қолади. Албатта, бу ҳол ўз таъсирини ўтказади. Душман шаҳар ташқи деворини бузиб илгари силжишга муваффақ бўлади. Аммо ерликлар ички қалъадан туриб курашни давом эттираверадилар. Бу орада шаҳарда қудуқ қазиш иши йўлга қўйилгани туфайли сув масаласи ҳам ҳал бўлади ҳисоб. Иккинчи томондан Кангюй (Хоразм) қўшини фарғоналиклар томон ёрдамга ошиқаётгани ҳам маълум бўлади. Шунда хитойликлар сулҳ йўлига ўтадилар. Келишувга кўра уларга «бир нечта арғумоқ ва 3000 бош ўрта ва паст зот тойча ва бия» насиб этади. Хитойликларнинг Фарғонага уюштирган иккинчи — сўнгги ҳарбий юриши шу тариқа барбод бўлади.

Фарғонанинг Хитой билан савдо-иқтисодий алоқалари ҳам қизиқиш уйғотмай қолмайди. Чжан Кян илк бор Фарғонада бўлиб қайтгандан сўнг бу юртга узоқ Хитойдан биринкетин савдо карвонлари қатнай бошлайди. Табиий равишда улар хитойлик ҳунармандлар ишлаган нафис буюмларни келтириб, уларни ўлка ажойиботлари, масалан, отлар, деҳқончилик маҳсулотларига айирбошлашга ҳаракат қилганлар. Чунончи, Чжан Кяннинг узум ва беда ўсимлиги ҳақида ўз ҳукмдорига етказган маълумотидан сўнг олий фармонга кўра шу икки ўсимлик кўчати ва уруғи элчилар-савдогарлар орқали Хитойга олиб кетилади, ҳосилдор ерларда парвариш қилина бошланади. Шу тариқа хитойликлар икки ўсимлик: узум ва бедани ўзлари учун кашф этганлар. В. В. Бартольд фикрига қараганда тахминан шу даврда Фарғона орқали хитойликлар пахтачилик билан ҳам илк бор таништанлар. Бу ерда пахта ва унинг кадимги хитой иероглифида пак-деб қабилида ифодаланишидаги ўхшашликлар диққатни тортади. Аммо пахтачилик билан амалда шуғулланишни хитойликлар анча кейин бошлаганлар.

Умуман олганда, фарғоналиклар савдо-сотиқ ишларида моҳир ҳисобланганлар. Милоддан аввалги 1 минг йиллик сўнгги асрларида шакллана бошлаган Буюк ипак йўлининг шимолий йўналиши ҳам худди шу ўлка орқали ўтгани бежиз эмас.

Азамат ЗИЁ,
Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг катта илмий ходими, тарих фанлари номзоди.





Суратларда: 1. Фермернинг келинлари Шоҳида ва Замира кунига ҳар бир сигирдан 10 литрдан сут соғиб олади. 2. Ёрдамчи хўжалик бошлиғи Ҳасанбой Холбоев.

Ш. ОЛИМОВ (ЎзА) ва Н. АЛМУРОДОВ олган суратлар.

Багдод туманидаги Хазиний номидаги жамоа хўжалигида ташкил этилган «Лочин» фермер хўжалиги иш бошлаганига икки йил бўлди. Фермер Луқмонжон Мустафоқулов ҳозир 25 дан ортиқ қорамолни парвариш қилмоқда. Ш. Рашидов туманидаги Темир Малик номли давлат хўжалиги пахта тозалаш заводи қошида Ҳасанбой Холбоев етакчилигида ёрдамчи хўжалик ишлаб турибди.

• ҲУНАРМАНДЧИЛИГИМИЗ БОҚИЙЛИГИ

ОТАМЕРОС УСКУНА

Қамчибек отани Булоқбошининг Оқсув маҳалласига жойлашган ўз устахонасида учратдик. У шогирдлари билан астойдил ишлар, ёғоч равоқларга нафис нақшлар ўярди. Баъзан шогирдлари ишига зимдан назар ташлаб, улар йўл қўяёзган камчиликлар олдини олиш ҳақида йўл-йўриқлар беришни ҳам унутмасди.

Орадан бир чойнак чой ичиб бўлингунча муддат ўтгач, равоқ ҳам битди. Шогирдлар қўлидан эса бир туркум ёғоч қошиқ, чўмич, жўва ва бошқа хил уй-рўзғор буюмлари тайёр бўлиб чиқди.

Уста Қамчибек отани суҳбатга чорладик. У бизга пиёлада чой қуйиб узатаркан деди:

— Бу ёғини сўрасангиз, бу бизга отамерос касб. Мана шу ускуна (қўлидаги равоқ ўйғич нозик ускунани кўз-кўз қилиб кўрсатди) ҳам отамдан мерос қолган. Отамнинг ҳикоя қилишича, бу ускуна отамнинг отасидан қолган экан.

Қамчибек уста шу кўйи анча гапларни айтиб берди. Шунда мен халқимиз ҳунармандчилиги тарихи узоқ-узоқлардан бошлангани, ёғочсозлик ҳунари излари мамлакатимизнинг кўпгина жойларида сақланиб турганидан хабар топдим. Устанинг қаватида ишлаб турган шогирдлар интилиши-ю, уқувидан қалбим ғурурга тўлди.

Уста пайғамбар ёшида бўлса-да, чаққон ишларди. Ҳали тетик, бардам. Ҳар бир ҳаракати ўринли, унумли. Сафида ишлаётган фарзандлари, набиралари, укаси-ю жиянлари шогирд саналиб, ота йўриқларига қатъий амал қилишяпти. Улар ёғоч ўймакорлиги нозик жиҳатларини ўрганиб олиш учун катта иштиёқ билан меҳнат қилишарди.

Дарҳақиқат, Қамчибек Холматовлар оиласининг ҳунармандчилик тарихи узун. Маҳалла қўмитаси раиси Мамасоли Назировнинг таъкидлашича, Булоқбоши, Ўзган, Андижон, Тошкент ва яна бошқа жойларда барпо этилган мачит-мадрасаларда, яна қанчадан-қанча катта иморатларда Қамчибек устанинг отаси — катта уста Холмат Мадраҳимов санъатига дахлдор ажойиб нақшлар равоқларда, устунларда, эшик ва дарвозаларнинг гулларида муҳрланиб қолган.

Касбини улуғлаб наққошлик, ўймакорлик, дурадгорлик ҳунарини ёшларга қунт билан ўргатаётган Қамчибек уста «шунчаки сабаби тирикчилик» деса-да, бу ҳунардан рўзғор тебратиб кам бўлмаётгани, ёшларни иш билан банд этиб, уларга касб ўргатаётганидан завқланишини пайқаш қийин эмасди. Отанинг ўғиллари Анваржон, Аъзамжон, Азимжон, Акромжон, Музаффар, Зоҳиджонлар ёғочсозлик ҳунарини пухта эгаллашмоқда. Улар қаватларига амакиси Ботирбек, жиянлари Қаҳрамон, Зафарбек, Мансурбек, Носирбекни ҳам тортганларки, бу миллий ҳунармандчилигимиз истиқболи боқийлигининг нишонасидир.

Неъматжон ОРИПОВ,
Андижон вилояти.

ГУЛЛАР ШАҲРИ ДАРВОЗАСИ

● Наманган темир йўл вокзалининг янги биноси фойдаланишга топширилди. Бино тўрт қаватли бўлиб, у йўловчиларга ҳар жиҳатдан яхши хизмат кўрсатишга мўлжалланган.

Вокзалнинг эски биноси олиб ташлангач, вокзалолди майдони бутун салобати билан кўринди-қолди. Майдон биқинида хўжалик, тижорат ва саноат моллари дўконлари тикланди. Бинонинг иккинчи қаватида ошхона ишлаб турибди.

Турғунпўлат СУЛАЙМОНОВ.

ИШ БИР МАРОМДА БОРЯПТИ

● Навоий вилояти электрлаштириш тармоқлари бошқармаси жамоаси Навбаҳор туманида мармарга сайқал бериш корхонасини ишга туширишди. Айни пайтда бу корхонада оқ ва кўк мармарга ишлов берилмоқда.

Корхонадаги барча иш жараёнлари тўла автоматлаштирилган. Шунингдек, тош кесиш, унга безак бериш асбоб-ускуналари ҳам деярли хорижники. Корхона жамоаси жорий йилнинг ўтган ойларида 25 миллион сўмлик мармар маҳсулотлари ишлаб чиқарди.

Музаффар ШАРОПОВ.

англиялик Воқеалар ҳабарлар

ХАЛҚАРО КЎЗГУ

ТУРКИЯ ИСЛОҲОТЛАРНИ МАЪҚУЛЛАМОҚДА

● «Туркия Кавказорти ва Марказий Осиё мамлакатларининг эркин бозор иқтисодиётига ўтиш юзасидан ўтказаётган ислоҳотларини диққат билан кузатиб бормоқда. Анқара бу борада қардош Ўзбекистон амалга ошираётган ишларни қўллаб қувватлайди».

Яқинда Туркия Республикаси ташқи ишлар вазирлиги тарқатган баёнотда шундай дейилади.

«Туркия Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон ҳукуматининг миллий пулга ўтиш ҳақидаги қарорини қониқиш билан қабул қилди. Бу Ўзбекистон ҳукуматининг мамлакат сиёсий ва иқтисодий мустақиллигини таъминлаш борасидаги табиий интилишини ифодалайди, дейилади баёнотда. — Ўзбекистондаги пул ислоҳоти бошқа муҳим ўзгаришлар қатори республиканинг муваффақиятли иқтисодий ривожланишига кўмаклашади».

АҚШ МАЪМУРИЯТИ ҚАРОРИ

● НЬЮ-ЙОРК. Америка Қўшма Штатлари Шимолий Кореяннинг ядровий қуролланишига йўл қўймасликка азму қарор қилди. Қўшма Штатлар давлат котиби Уоррен Кристофер Си-Эн-Эн телекомпаниясн мухбири билан суҳбат чоғида шу ҳақда гапирди.

Уоррен Кристофернинг айтишича, Клинтон маъмурияти бу борада музокаралар ва дипломатия йўли билан қатъий қаршилик кўрсатишга ҳаракат қилади.

Давлат котиби Америка Қўшма Штатлари келгусида бошқа чоралар ҳам қўллаши мумкинлигини айтиб, жумладан, Корея Халқ Демократик Республикаси билан савдо-сотиқ масаласида жазо чораларини кучайтириш кутилаётганини алоҳида таъкидлади. Унинг фикрига қараганда, бундай чорани Хитой томони ҳам қўллаб-қувватлаши мумкин.

ҲАМКОРЛИКДА ТАДҚИҚ ҚИЛИНАДИ

● ТОКИО. Россия ва Япония мутахассислари Россиядаги ҳизмат муддати тугаган ядро реакторлари конструкцияларини ҳамкорликда тадқиқ қилишга келишишди. Япония ядро энергетикаси институтидан РАТА—ТАСС мухбирига маълум қилишларича, бу борада беш йил муддатга тузилган илмий дастурни келаси йилдан амалга оширишга киришилади.

Мазкур илмий тадқиқотдан мақсад реакторнинг пўлат конструкциясига радиация кўрсатган таъсир оқибатларини аниқлашдир. Япон мутахассисларининг фикрига қараганда, тадқиқот натижалари атом реакторлари ишончлилигини ошириш ва ҳизмат муддатини узайтиришда қўл келади.

ИШБИЛАРМОНЛАР УЧРАШУВИ

● ВАРШАВА. Польшанинг жанубидаги Криница шаҳрида «Польша — Шарқ» иқтисодий анжумани бўлиб ўтди. Унда Россия, Беларусь, Украина ва Польшанинг савдо ҳамда молия идоралари ходимлари, бизнесменлар, банкирлар иштирок этди.

Анжуманда Польша билан унинг Шарқий шериклари ўртасидаги савдо-сотиқ муносабатларини кучайтириш учун ўзаро ҳисоб-китобларнинг янгича механизмини ишлаб чиқиш, қўшма банклар тизимини равнақ топтириш лозимлиги таъкидланди.

ШВЕЙЦАРИЯГА РАСМИЙ САФАР

● БЕРН. Россия мудофаа вазири Павел Грачёв Швейцарияга расмий сафар қилди.

Сафар давомида мамлакат ҳарбий маҳкамаси бошлиғи ва ҳарбий раҳбарият билан Европа хавфсизлиги ҳамда икки томонлама ҳамкорлик масалаларини муҳокама қилиш кўзда тутилган.

ЯПОНИЯ ХАВФСИЗЛИК КЕНГАШИ АЪЗОСИ БЎЛМОҚЧИ

● ТОКИО. Россия билан Хитой Японияннинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгашига аъзо бўлиши масаласига аниқ бир муносабатини билдирмаяпти.

БМТ Хавфсизлик Кенгаши таркибини кенгайтиришга жаҳон давлатларининг муносабатларини билиш хусусидаги Япония ташқи ишлар вазирлигининг маърузасида шу ҳақда гапирилади. Ҳужжатда кўрастилишича, деб ёзади «Токио Симбун» газетаси, Токионинг Хавфсизлик Кенгашига аъзо бўлишини 23 давлат қўллаб-қувватлайди.

Япония ташқи ишлар вазирлигининг БМТ бўлими бошлиғи Мотохидэ Иосикаванинг РАТА—ТАСС мухбири билан суҳбатда айтишича, Москва БМТ Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзолари сафи кенгайишини қувватлайди. Аммо, Япониянинг Хавфсизлик Кенгаши доимий аъзоси бўлишига Россиянинг муносабати номаълум бўлиб қолмоқда.

ХИТОЙ РАҲБАРИ КУБАДА

● ГАВАНА. РАТА—ТАСС мухбирининг хабар беришича, Хитой Халқ Республикаси раиси Цзян Цзэминь Кубага расмий дўстона ташриф билан келди.

Мамлакат раҳбари Фидель Кастро мартабали меҳмонга Хосе Марти орденини топширди.

КАРТЕР МАРКАЗИ ТАШАББУСИ БИЛАН

● НЬЮ-ЙОРК. Америка Қўшма Штатларининг Жоржия штатидаги Эморн доирлфунуни қошида АҚШ ва МДҲ давлатлари телерадиокомпаниялари раҳбарларининг йиғини иш бошлади.

Картер маркази ташаббуси билан уюштирилган бу икки кунлик анжуманда АҚШ билан собиқ Иттифоқ республикалари ўртасида телекўрсатувлар ва радио эшиттиришлар борасидаги ҳамкорликнинг истиқболи муҳокама қилинади.

Анжуман ишида жами 150 вакил қатнашмоқда. Уни ташкил этишда АҚШнинг собиқ Президенти Жимми Картернинг хизмати, айниқса, катта бўлди.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

англиялик Воқеалар ҳабарлар

ЮЗ МИНГ РУҲДИР БУ ОСМОН

Қўлимда Сирожиддин Сайиднинг янги туркум шеърлари. Самимий ва эҳтиросли, шарқона лутф билан айтилган нозик сўзлар. Шоир сўзлари... Аслида шоир сўзи шарҳга муҳтож эмас. Муаллиф ундоқ демоқчи, бундоқ ғояни олға сурмоқчи, деган таҳлиллар шеъриятни бениҳоя жўн тушунмоқ натижасидир. Шеър кўнгил нидоси бўлиб туғилади ва кўнгиллар мулкига айланади. Уни қабул этмоқ ҳам кўнгил ишидир.

Бедилнинг бир байтини қирқ улфат қирқ хил маъно бериб талқин қилган экан. Бедилнинг ўзини ҳакамликка чақирганларида у қирқ биринчи маънони айтиб ҳаммани лол қилибди. Булоқ суви устида айланиб турган чўпга қараб ёр висолидан бахтиёр бўлган йигит: «Ана, у менга ўхшаб рақс қилаяпти» деса, ҳижронзода юрак эса: «Бечора, гирдоб ичида қолибди, чиқарга йўл тополмаётир», деб изтироб чекади. Хонанда: «Ҳеч киши оламда мендек ёридин айрилмасин» деб нола чекканда, биров ичида «оҳ» дейди, биров бармоғини қарсиллатиб ўйинга тушади.

Шеърият қалб ҳолатидир. Уни қабул этмоқ ҳам қалб ҳолатига боғлиқ. Шеър маъносини сўз билан баён қилиш мумкин эмас. Сўз билан англатиш мумкин бўлган фикр эса шеър қилиб айтилмайди. Шеър — завқ, ҳайрат, кулку, изтироб, армон, тазарру, муножот... демакдир. Шеър — ишқ демакдир, ибодат демакдир.

Сирожиддиннинг шеърларини ўқиб мен шеърият ҳақида бундай осмоний хаёлларга бериладим. Мақсадим унинг шеърларини осмонга кўтариш эмас, балки фақат сизнинг кўнглингизга ҳавола этмакдир.

Эркин ВОҲИДОВ,
Ўзбекистон халқ шоири.



Сирожиддин САЙИД

ФАЛАК АЙЛАНАДИ

(ТЎРТЛИКЛАР)

Мен ишқ дебринниг авомидирман,
Ердаги ҳар хасинг каломидирман.
Сўйлатиб ўтарман сўнгакларимни,
Машраб армонининг давомидирман.

* * *

Сочинг ҳасратида ҳар ён йиғидир,
Қошинг қай жаллодинг хунхор тиғидир.
Зулфинг остидаги пинҳон холинг ҳам
Қайси бир ошиқнинг қорачиғидир.

* * *

Дунёга келибсан — дилингда қайғу,
Осмон бошинг узра сеҳрли кўзгу.
Умринг — ёр зулфига теккан бир эпкин,
Киприкдаги кўзёш, лабдаги кулгу.

* * *

Дўстим, даҳр боғини мен бир хасиман,
Йўқлик оҳангларин мунглуғ сасиман.
Сен фиғон чекмагил фақир кулбангдан,
Мен ўшал кулбангнинг остонасиман.

САНГАРДАК САЙРИ

ЖАЛОЛИДДИН ВА ФАХРИДДИН АКАЛАРГА

Авлиёлар ухлаб ётган жойлардир бу,
Ҳурлиқолар кокил ювган сойлардир бу.
Харсангларин мавжлар аро нур кўринур,
Нур сачраса, кўзларимга дур кўринур.

Боғлар аро бир кишиаса тулпорларн,
Лаҳза ўтмай ловуллайди гулзорларн.
Меҳр болн кўчар дилга узумдан,
Муҳаббатнинг иси келар насимидан.

Чнорларн ўргатгайлар ўй суришни,
Ўй суришни ҳамда мнинг йил жим туришни.
Увол бўлар гар дунёдан нолиб кетсам,
Қаннйди бир шамол янглнғ қолиб кетсам...

Акаларим уйлар қурар мамнун бўлиб,
Мен-чи, гоҳи маҳзун, гоҳи Мажнун бўлиб,
Дунёйи дун боғларида чопгайдирман,
Бундоқ жойни бошқа ердан топмайдирман.

Булутларн хаёлимни олиб кетгай,
Қояларнинг сийнасида қолиб кетгай.
Тоғларга ҳам сиғмай тошиб, тўлиб кўнглим,
Сангардакнинг шаршараси бўлиб кўнглим.

ПОЛВОНЛАР ЮРТИ

ИСРОИЛ АКАГА

Полвонлар ҳеч юлдузларга қарамайди,
Юлдузларга қараса гар полвон эмас.
Йигитликни тўй кўрмаса, курашмаса!
Кураш тушмай ўтган даврнинг даврон эмас.

Қашқадарё — тоғу даштлар, чўллар тенгсиз,
Эй, қалбимнинг даралари нечун беркснз!
Бошим узра ястанган, кенг, мовий, чексиз,
Полвонларнинг юрагидир, осмон эмас.

Фарзандлари ерни муштлаб туғилган ер,
Мард йиқилса кўкдан юлдуз ёғилган ер,
Йигитларнинг курагини соғинган ер
Тантн мулкдир, шунчаки бир майдон эмас.

Бу болалар ғурур бор деб олишади,
Пул учунмас, номус, ор деб олишади,
Амир Темур қони бор деб олишади,
Ори йўқлар ушбу элга ўғлон эмас.

Алпомишдан мерос қолган жуссаларин
Кўриб дилдан кетгай бор-йўқ ғуссаларинг.
Сўйлаб юрар Тоғай Мурод қиссаларни,
Уйлари ҳам эл қатори, қўрғон эмас.

Полвонлар ҳеч юлдузларга қарамайди,
Қараганда, кўнгилларн осмон эмас,
Менинг янглнғ уч-тўрт шеърга қул бўлардн,
Қул бўлганлар, билинг дўстлар, полвон эмас.

* * *

Умр аста айланмоқда азиятга,
Ёзганларим ўхшаб борар насиҳатга.

Қай гўшага борсам ундан боқар дардим,
Ўз онамнинг сочларини оқартирдим.

Деворларни тирнаганда барги хазон,
Нечун жисмим зирқирайди ўша замон!

Кўнгил, кўнгил қай йўлларда тўкилдим мен!
Сени охир ўз майлимга қул қилдим мен.

Нечук хирмон бўлди уйган бу хирмоним,
На буғдойим аёндиру на сомоним!

Юлдузларга боқсам совуқ ел келади,
Юзларимдан шу он қайноқ сел келади.

Тутган янглнғ хору хасинг уволларн
Жой сўрайди мендан кузак шамолларн.

Лек мен ўзим қай ҳолда ва қайдадирман!
Адирларда қолиб кетган чайладирман.

ТАЖДИД

Юз минг ғамдир бу олам,
Юз минг ғамга қалошиб
Ошиқларн ўтгайлар
Юз минг ўру қир ошиб.

Ҳар хасда юз минг ҳикмат.
Ҳар касда юз минг тоқат,
Ҳар дилга юз минг ҳасрат
Кетаётир илошиб.

Ҳар бир лаҳза юз минг
ранг,
Ҳар бир тош юз минг
жаранг,

Ҳар сукут юз минг оҳанг
Беролгайдир улошиб.

Бир жонга юз минг жафо,
Бир бошда юз минг савдо,
Бу невчун шўру ғавғо,
Кетолмас ҳеч ярошиб!

Жисм иқлимларининг
Юз минг хил об-ҳавоси,
Юз минг хил дил балоси
Утар нени талошиб!

Юз минг гулдир бу ҳижрон,
Юз минг кўнгил бу армон,
Юз минг руҳдир бу осмон
Бошинг узра қарошиб.

Юз минг лола бу нолам,
Юз минг сирдир бу олам,
«Юз минг валлар ўтди
Сирни сирга улошиб»[2]

1. Таждид — янгидан пайдо қилиш (арабча).
2. Ҳазрат Яссавий сатрлари.

ФРАНКФУРТ САФАРИ

Ишлар яхши, ишлар бари, хайрият,
Шамолингдан айланайин, Ҳуррият!
Насиб этди, келди Шому Ироқдин,
Бир шеър айтай мен ҳам сизга ёироқдин.

Алқисса шу Франкфуртга учдик биз,
Етти қават осмонларни қучдик биз.
Дунё кета-кетгунича йўл экан,
Уни тор деб юрганлар хўб гўл экан.

Даштлар ўтдн, ўтдн чўллар, тақирлар,
Капалардай қолдн тоғлар, адирлар.
Самоларни сайр этиб етти соат
Бир шаҳарга келиб тушдик ниҳоят.

Франкфурт бу—немисларнинг шаҳридир,
Белидаги камар — Майн наҳридир.
Франкфурт бу—Оврупонинг маркази,
Қўлингдаги пуллар — немис маркаси.

Франкфуртда нима бору нима йўқ!
Бекор гап-сўз, беҳуда жимжима йўқ.
Билмайдурсан фарқин шому саҳарнинг,
Қовоғи сал солиқ экан шаҳарнинг.

Дўконлари тўкин-сочин, нолиш йўқ,
Ҳамма нарса бору фақат калиш йўқ,
Одамлари ориқ, йўқдир семизлар,
Билсанг қази емас экан немислар.

Томларининг бари қизғиш кошиндан,
Бу халқ сира тушмас экан мошиндан.
Бунда турмуш тазйиқидин қочиш йўқ,
Ҳовлиқиш йўқ, югур-югур шошиш йўқ.

Усган дарахт эл меҳрига ёр экан,
Мажнунтоллар, тераклар ҳам бор экан.
Демак созлаб, сайқал бериб шарқона
Бўлар экан қурса бунда чойхона.

Франкфуртнинг Тўполондай сойи йўқ,
Нос чексанг гар, тупуришга жойи йўқ.
Ҳаммаёғи сариштa ҳам озода,
Ерда гард йўқ, ғубор йўқдир ҳавода.

Кездик, билдик рамзларни, рангларни,
Кўрдик бунда осмонўпар банкларни.
Бу халқ қуруқ манзиратни кўтармас,
Йўталн пул келтирмаса, йўталмас.

Хуллас, каснинг тириклиги кас билан,
Шундай иқрор орзу ҳам ҳавас билан,
Шимиб бўлдик сафар деган қурутни,
Оқшом чоғи тарк этдик Франкфуртни.

Ишлар яхши, ишлар бари ҳайрият,
Жамолингдан айланайин, Ҳуррият!
Қаён юрсам, юртим бағринг эркинли,
Соғинтирган экан ахир эркинлик.

Кишнаб юрган тойлар бир кун от бўлар,
Эл шод бўлар, мамлакат обод бўлар.
Пахтасига сув тараб Мамаражаб
Бир кун «Волво» минса агар не ажаб!

Йўллар очиқ, боқмай кеча-кундузга,
Истасанг уч Истанбулга, Қуддусга.
Фақат тилло истаб борма, биродар,
Юрт ғубори тиллоларга баробар.

Ҳазилнамо бўлди сал-пал сўзларим,
Хафа бўлманг сиз хорижий дўстларим:
Ҳисобли дўст айрилмасдир ҳеч қачон,
Ҳисоб-китоб замонидир бу замон.

Келинг, кўринг Бухорони, Хеванн,
Самарқандни кезинг минниг теванн.
Узоқлашсак бўлмас бир-биримиздан,
Меҳмон сиздан келиб турса, ош биздан.

САБЗАВОТ БОЗОРИДА

Бунда ғала-ғовурнинг йўқ қиёси,
Ҳар хил ҳосил талашади жой ва ранг.
Уйилганда Сурхондарё пиёзи,
Уратепа сабзисининг ҳоли танг.

Шолғом — чўпон бувааларнинг бетидай,
Мен оламда ягона деб турибди.

Ун қоп турп расталарнинг четида
Олтинарик, Фарғона деб турибди.

Карам истаб тизилгандай карамлар,
Бозорнинг ҳам бор ўз ҳадду ҳадиси.
Наманганнинг кўкатлари зулф тарар,
Анграяди Қашқадарё кадиси.

ЮЛДУЗ ҚЎШИҒИ

Осмонларнинг қаърида,
Қахратонлар қаҳрида,
Изғиринлар заҳрида
Ҳазин кулган юлдузман.

Мискин маъво эдим мен,
Кўп серсавдо эдим мен,

Зору танҳо эдим мен,
Бағрим тилган юлдузман.

Зулматларга тик келдим,
Шабнам бўлиб тўкилдим,
Гул баргидан тикилдим,
Маъюс қолган юлдузман.

Не йўлларга тушмишман!
Гоҳ олмос, гоҳ кумушман,
Ҳижронларга танишман,
Фарёд қилган юлдузман.

Айтсам дилда зоримдан,
Гуллар унгай қоринғдан.
Кечиб йўғу боримдан
Нурга тўлган юлдузман.

Сен, эй сиғлнм, сен оғам,
Ўтгай алам, ўтгай ғам.
Бир дардим бор менинг ҳам,
Мен дард билган юлдузман.

Кўпдир дўсту ёр, юрак,
Қанчаларн нокерак.

Гардишларингдан, фалак,
Сабоқ олган юлдузман.

Шомлар аро чўмгайман,
Балки бир кун сўнгайман,
Умр — чақмоқ, унга ман
Балдоқ илган юлдузман.

ЯНГИЛИКЛАР

● СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН

МАЪРИФАТ МАСКАНИ

САМАРҚАНД (вилоят мухбиридан). Регистонда жойлашган 21-мактаб учун янги бино қуриб фойдаланишга топширилди. Уни Ўзбекистон — Югославия «Самрад» қурилиш фирмаси билан «Ўсто» бирлашмаси амалга оширди.

Замонавий ўқув қуроллари, компьютерлар билан жиҳозланган синф хоналари, спорт зали, ошхона ва бошқа қулайликлар ёшлар қувончига қувонч қўшди. Бу ерда мўъжазгина музей ҳам бор. Бу маърифат масканида таълим олганлар — Республика Президенти И. Каримов, Россия Федерацияси Фанлар академиясининг Сибир бўлими бошлиғи, академик А. Каптюг, Россия Тиббиёт фанлари академияси мухбир аъзоси, иммунология илмий-тадқиқот институти директори Р. Ҳайитов, Ўзбекистон Республикасининг Россиядаги элчиси Ю. Абдуллаев ва бошқалар ҳаёти ҳақидаги маълумотлар музейдан ўрин олган.

Мактаб учун янги бинонинг фойдаланишга топширилиши маросимида вилоят ҳокими П. Абдураҳмонов, Самарқанд шаҳар ҳокими А. Носиров ва бошқа расмий кишилар иштирок этдилар.

Фармон ТОШЕВ.

● АНЪАНА


КУЛГИ БАЙРАМИ

БУХОРО. Икки йилдирки Бухорода Хўжа Насриддин афанди кунлари ўтказиляпти. Уни «Кулги байрами» деб ҳам аташмоқда. Байрам Вобкент туманидаги Ширинбиби қишлоғида Насриддин афандининг рамзий қабрини зиёрат қилишдан бошланди.

Вилоят мусиқали драма ва комедия театрига қардош Тожикистон, Туркманистондан, қўшни Қашқадарё, Наманган, Сирдарё вилоятларидан кулги шинавандалари йиғилдилар. Байрам қатнашчилари республика миқёсида ўтказиладиган бўлди. Уларни ташкил қилишни Хўжа Насриддин номидаги инсонпарварлик ва хайрия жамғармаси ўз зиммасига олди. Янги жамғармага таниқли ёзувчи ва журналист Йўлдош Муқимов раислик қилмоқда.

Нусратилла НАИМОВ.

● *«Ўзбекистон—Ватаним менинг» конкурсига*



Бокира болалик. Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган сурат.

● ОБУНА — 94

Халқда «Саломатлик—туман бойлик» деган нақл бор. Шу боисдан соғлиқнинг қадрига етиб, касал бўлмасликка ҳаракат қилган одам бахтли ҳисобланади.

«СИҲАТ-САЛОМАТЛИК»

1500 сўм тўлаб «Сиҳат-саломатлик» ойномасига обуна бўлсангиз, йил давомида журнал хонадонингиз меҳмони бўлиб, оддий шамоллашдан юрак, буйрак, ўпка, жигар, нафас йўллари ва бошқа хасталиклардан муҳофазаланиш, болаларни ич кетар, йўтал, ангина, экзема, рахит ва бошқа дардлардан эҳтиётлаш учун нималарга эътибор бериш, қандай чора-тадбирлар кўриш ҳақида етакчи мутахассислар, олимлар ва шифокорлар маслаҳатлари билан танишиб борасиз.

Ойномада фақат хасталиклар, уларга эҳтиёт бўлиш, замонавий тиббиёт фанининг равнақи, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш маданиятини кўтариш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳақида ҳикоя қилинибгина қолмай, бой тарих ва анъаналарга эга бўлган халқ табобати, табобатнинг амалий тажрибаларига ҳам алоҳида эътибор берилади.

Ҳурматли муштарийлар! Ойномага ёзилишга улгурмаган бўлсангиз, Сизнинг ихтиёрингизда жуда оз муҳлат қолди. Ўзингиз яшаётган ҳудуддаги алоқа бўлимларига бориб, 1500 сўм тўласангиз, 1994 йил давомида «Сиҳат-саломатлик» ойномасини ўз вақтида олиб турасиз. Индексимизни эслатиб қўймоқчимиз: 75482.

«Сиҳат-саломатлик» ойномаси жамоаси.

● *Санъат*

ЯНГИ САҲНА АСАРИ

Самарқанд вилояти Пастдарғом туман маданият уйи қошида фаолият кўрсатаётган халқ театри ижодий жамоаси улуғ бобокалонимиз Алишер Навоий ҳаётн ҳақида ҳикоя қилувчи саҳна асарини шинавандалар ҳукмига ҳавола этдилар.

Ҳайдар Муҳаммад қаламига мансуб «Навоийнинг бир куни» деб номланган спектакль шоир, давлат арбоби, мутафаккир бобомиз ҳаётининг воқеаларга бой бир куни ҳақида ҳикоя қилади. Спектаклда халқимизнинг ардоқли фарзанди сиймоси яққол ўз ифодасини топган. Уни иқтидорли режиссёр Абдурайим Ортиқов саҳнага қўйган. Замона руҳига мос саҳна безакларини рассом Нормўмин Олимбоев ишлаган.

Салоҳиддин СИРОЖИДДИНОВ.

● *Спорт*

ФУТБОЛ ЧЕГАРА БИЛМАС

Мамлакат биринчилиги ўйинлари, кубок баҳслари ҳам тугади. Энди республикамиз футбол жамоалари келаси йилги мусобақаларга тайёргарлик режасини тузишмоқда. Ҳозирча танаффус. Бироқ бу иборани ишқибозларга нисбатан қўлланиб бўлмайди. Боиси, улар футбол оламидаги ўйинларини, Оврупо футбол учрашувларини диққат билан кузатаверадилар. Ўтган жаҳон чемпионатида ўзининг ажойиб ўйинлари билан дунё футбол ихлосмандларини лол қолдирган Камерун жамоаси 1994 йил Америкада бўладиган финал учрашувларида ҳам қатнашиш ҳуқуқини нақд қилиб қўйганлигидан кўпчиликнинг хабари бор.

Мухлислар ҳар тўрт йилда Оврўпо ва жаҳон чемпионати ўйинларн бўлишини яхши билишади. Қисқаси, катта футболни ҳаммамиз орзиқиб кутамиз. Ана шу пайтлар телевизорлар тонггача ўчирилмайди. Ашаддий ишқибозлар айнан ўйинлар бошланадиган кундан таътилга чиқиб олиб, бир ой мириқишади. Бунинг ҳам ўзига яраша гашти бор-да! Мабодо, жаҳон чемпионати кунлари телевизорда «Бойлар ҳам йиғлайди», «Мария», «Санта Барбара»лар қўйилаётган бўлса ҳам барибир футболни кўрамиз.

Насиб этса келаси йил ёзда Америкада бўладиган катта байрам-футбол ўйинларини томоша қиламиз. Унда дунёдаги кучли 24 та жамоа қатнашади. Қуръа ташлаш маросими эса шу йил декабрь ойида бўлади. Бундай йирик мусобақада кучсиз команда бўлмайди. Фақат омадли ва омадсизлар бўлади, холос.

«Юлдузлар» хусусида гап кетгудек бўлса, Платини, Зико, Беккенбауэр, Росси, Ван Бастен, Гуллит, Марадона, Папен сингари ёркин футболчилар хаёлимизга келади. Улар турли мамлакатларда яшайди, турли жамоаларда тўп тепади. Дунёнинг қайси бурчагидан бўлмасин, биз уларни биламиз. Чунки, Футбол чегара билмас.

Равшан ШОДИЕВ.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги жамоаси, «Узсельхозбартерснаб» бирлашмаси бош директори Ўраимжон Йўлдошевга онаси

Турду АНОРБОЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш муҳандислари институти жамоаси «Математик моделлаштириш» кафедраси доценти Е. Шарифбоевга оталари

Кабир ота ШАРИФБОЙ ўғлининг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзсаноатхўжаликқурилиш» корпорацияси аппарати жамоаси ва унинг бўлинмалари Қурилиш вазирлиги транспорт бошқармаси бошлиғи лавозимида ишлаган, шахсий нафақахўр Улуғ Ватан уруши қатнашчиси

Турсун ҒУЛОМОВнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва қариндош-уруғларига чуқур таъзия изҳор этади.

Қомуслар Бош таҳририяти ижтимоий фанлар илмий таҳририятининг етакчи муҳаррири Б. Ҳўжаев (Чустий)га волидаи муҳтарамалари

МУҲАРРАМ аянинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

«Ўзсаноатхўжаликқурилиш» корпорациясига қарашли «Ўзқурилиштранс» ҳудудий ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси бирлашма бош директорининг собиқ ўринбосари, шахсий пенсионер, Улуғ Ватан Уруши қатнашчиси

Турсун ҒУЛОМОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ва қариндошларига чуқур таъзия изҳор этади.

2-ТошДавТИ ректорати, касаба уюшмаси ҳамда фалсафа ва мантиқ кафедраси жамоаси доцент

Акки ҲАМРАЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия билдирадилар.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

МУАССИС:
ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ


Бош муҳаррир АЗИМ СУЮН

Таҳрир ҳайъати: Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Аслиддин БОЛИЕВ (масъул котиб), Зиёд ДАВРОНОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Олимжон НАЗАРОВ, Тўхтамурод ТОШЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Осиё бозори» иловаси учун масъул), Шоқосим ШОИСЛОМОВ.

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти бўлими — 33-21-43
Иқтисодиёт бўлими — 33-47-80, 32-54-27.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ бўлими — 33-54-55, 32-26-70.
Адабиёт, фан ва маданият бўлими — 33-07-20, 32-57-19.
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-11-49, 33-76-04.
Ахборот ва спорт бўлими — 33-12-56, 32-55-16.
Тижорат, эълонлар — «Осиё бозори» редакцияси—33-41-89, 32-55-70, 33-38-55, 32-54-12.
Шароф Рашидов фонди — 33-34-69, 33-20-36.
Қабулхона — 33-65-45, 32-55-15.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ
Андижонда — 4-48-85;
Бухорода — 3-96-12;
Гулистонда — 2-26-22;
Жиззахда — 3-46-24;
Навоийда — 3-74-76;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 4,44-62;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 52-624.
Самарқандда — 35-22-90;
Урганчда — 6-72-60;
Фарғонада — 6-37-16.

Рўйхатдан ўтиш тартиб № 000120.
Газета офсет усулида А—2 форматида босилади.
Ҳажми 3 босма табоқ.
Босишга топшириш вақти — Г—635. № 225. топширилди — 20.30.
Навбатчилар: Ҳ. НОСИРОВ, Ш. СУЛТОНОВ.



МАНЗИЛИМИЗ:
700083. ТОШКЕНТ, ГСП, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили «БуюкТурон» кўчаси 41-уй.